ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 89 (9.281) 1999 йил 2 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ

МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?

2. Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, сиз яшаётган ҳудудда рўй берган қандай ўзгаришларни таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватан истиқболи, фарзандлар келажагини қандай тасаввур этасиз?

3. Мустақиллик равнақи учун қандай ҳисса қўшяпсиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур сизни нималарга даъват этади?

«Тошкент оқшоми» анкета саволларига техника фанлари доктори Иброҳим ҲАБИБУЛЛАЕВ жавоб беради.

1. Биз мустақилликка эришиб, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш учун дастлабки қадамларни қўя бошладик. Демак, ўзимиз чиқарган қонун-қоидалар бўйича ҳаракат қилишни бошладик. Ҳуқуқий-демократик давлатнинг фуқаролари сифатида яшаш, меҳнат қилиш, маданий дам олиш ҳуқуқларига эга бўлдик. Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, ўз хавфсизлигимизни таъминлаш имкониятларини берди. Жаннатмакон юртимизда мавжуд бўлган барча табиий бойликлар, жумладан, нефть, газ, олтин, энергетика ресурслари тўлалигича ўз ихтиёримизга ўтди. Менимча, инсон учун бундан ортиқ неъмат бўлмаса керак.

2. Саккиз йил тарих учун жуда қисқа муддат бўлса-да, юртимизда бир неча ўн йилликларга татигулик улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Асакадаги автомобиль заводи, дон мустақиллигига эришишимиз, донғи оламга машҳур спорт иншоотлари, соғлом авлодни тарбиялашдаги ютуқлар шулар жумласидандир. Келажаги буюк давлатимизда фарзандларимиз истиқболини фаровон ҳаёт кечирувчи, илм-фаннинг барча соҳаларини эгаллаган, маънавияти юксак, ватанпарвар инсонлар сифатида тасаввур қиламан.

3. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазасининг илмий йўналишларини ташкиллаштириш ва уларни амалда қўллаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ҳарбий соҳа мутахассиси ва олим сифатида Ватанимнинг равнақи ва хавфсизлиги йўлида қўшган камтарона ҳиссам бўлади. Фарзандларимизга замонавий илм бериш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ўзимнинг ватанпарварлик бурчим деб биламан. Ватанпарварлик ва миллий ғурур, юрт иқболи йўлида тинмай изланиш, янгиликларга интилишга даъват этади.

Рашид Галиев олган суратлар.

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тантаналари нишонланадиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Ҳар бир қутлуғ айёмни муносиб совғалар билан кутиб олиш, бу орада босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш, ушбу давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш халқимизнинг азалий одати. Шу маънода куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишига бағишланган мажлисини Мустақиллик байрами олдидан мамлакатимиз меҳнаткашлари эришган ютуқ ва камчиликларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди, десак янглишмаймиз.

Долзарб мавзу

САРҲИСОБ

Ушбу йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан қилинган маъруза ва унда баён этилган фикр ва мулоҳазалар бугун бутун жамоатчилик диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Давлатимиз раҳбари ўтган ярим йил давомида жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиёт барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилганини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун шароит яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида жорий йил муҳим босқич бўлганлиги ҳам маърузада тилга олиб ўтилди. Бугунги кундаги асосий вазифа ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидан орқага қайтмай, халқ турмушини яхшилаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўйини ошириш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик ва тотувликка бўлаётган таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлишдан иборат эканлиги ҳам алоҳида уқтириб ўтилди.

Айни пайтда корхоналарнинг ислоҳ қилиш суръатларининг пастлиги, бир қатор инвестиция лойиҳалари, корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга сотиш, шунингдек, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига бюджетга маблағ тушириш борасида қатор нуқсонлар мавжудлиги ва бошқа камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Шунингдек, Юртбошимиз ўз маърузаларида бажарилиши лозим бўлган бир қатор масалаларни ўртага ташладилар. Хусусан, улар кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги ишларни жонлантириш, тадбиркорликни ривожлантириш, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини яхшилаш, 1999 йил учун қабул қилинган республика инвестиция дастурини амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятимизга алоҳида эътибор бериш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, банкротлик тўғрисидаги қонунларни қайта кўриб чиқиш каби долзарб масалалардир.

«Вақт шиддат билан тўхтовсиз олға бормоқда, уни ҳеч нарса тўхтата олмайди, — деб таъкидладилар Президентимиз ўз маърузаларида. — Ҳаёт ўзгармоқда, шароит ўзгармоқда, бозор иқтисодиётига, демократик янгиланишларга ва биринчи навбатда раҳбарларга ҳамда бошқарув ходимларига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда».

Шунингдек, Юртбошимиз ҳозир эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмаслигига ҳам алоҳида урғу бердилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозир кўплаб ёшларимиз хорижнинг энг номдор дорилфунунларида ўқиб келмоқда. Эртанги кунимиз шундай ўқиган ёшларнинг қўлида эканлигини ҳам ҳеч ким инкор эта олмайди. Албатта бу бир кунлик сиёсат эмас. Бу — мустақилликнинг моҳиятини англатадиган яна бир далил.

Баъзилар изланиш ва янгиланиш йўлида қилинган баъзи хатолардан ўзларича билимдонлик қилиб, масаланинг туб моҳиятига етиб бормай нотўғри хулоса чиқаришга ўрганиб қолишган. Инкор этиб бўлмайди. Улкан ўзгаришлар жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам табиий. Буни Президентимизнинг ўзлари ҳам ҳар бир чиқишларида таъкидламоқдалар. Чунки мустақил жамият қуришнинг мактаби йўқ. Фақат ўзимизнинг тажрибамиздан, хаталаримиздан ўрганамиз, сабоқ оламиз.

Бугун Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами нишонланадиган кунлар арафасида турибмиз. Шу туфайли кўпгина газеталарда «Мустақиллик сизга нима берди-ю сиз унга нима беряпсиз?» мазмундаги анкета саволлари тарқатилиб, унга муштарийларнинг жавоблари эълон қилинмоқда. Албатта жавоблар ҳар хил бўлиши табиий. Сабаби унда турли соҳа кишилари қатнашгани учун уларнинг жавоблари ҳам турлича қараш-лардан иборат. Лекин диққат билан кузатиб борилса, бу жавобларнинг асл моҳияти: «Мустақиллик менга ўзни танимоқликни, ўз қадрига етмоқни, топталган ғурурни қайта юксалтирмоқни берди. Истиқлол бизга улуғ неъмат — эркинликни ҳадя этди. Унутилган анъана ва қадриятлар қайта тикланди. Лекин мен ўзимга келганда мустақилликка берганларимдан ҳали бермаганларим кўпроқ. Шунга арзирли ишларни бажариш кеча-кундуз орзу ва тилагим. Жаннатмакон Ўзбекистоннинг бир фарзанди сифатида истиқлолни чин дилдан ардоқлаб, уни мустаҳкамлаш, кўз қорачиғидек авайлаб-асраш учун ҳисса қўшишни ўз бурчим деб биламан» деган мазмунни ташкил этади.

Бу сўзларга ҳеч нарса қўшмасдан ёки олмасдан айтиш мумкинки, шунинг ўзи халқимизнинг юртга фидойилигини билдириб турибди. Уни ҳеч қачон танлаган йўлидан қайтмайдиган ва бунга қарши турганларнинг кўзини очиб қўйишга қодир бўлган мард ва жасоратли инсонлар эканлигини исботлаб турибди.

Ахир Президентимиз биз юқорида тилга олган йиғилишдаги ўз маърузаларида: **«Бугунги кундаги асосий вазифамиз — мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини ошириш, хонадонимиздаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка нисбатан бўлаётган ҳар турли таҳдид ва хавф-хатарларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр туришдир»,** деб таъкидлаганларида халқимизнинг ана шу мардлик ва жасоратини, унинг табиатидаги бир сўзлиликни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас. Демак, бугунги кундаги асосий вазифамиз танлаб олган ислоҳотлар ва янгиланиш йўлимиздан орқага қайтмаслик, Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаларида баён қилинган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт стратегиямизнинг асосий йўналишларини амалга оширишдан иборат.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМДА ТАРТИБ БЎЛСИН

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 3 июлида «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилганди. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими яқинда махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, аввало қонунчиликда кўрсатилган низом фондини ташкил этмаган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш махсус шаҳар ва туман комиссиялари регламентлари ишлаб чиқилиши керак. Шунингдек, 1999 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарнинг махсус ҳисобининг шаҳар статистика бошқармасида жорий этилиши таъминланади.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган тугатилаётган корхоналарнинг маблағлари ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда кўриладиган чора-тадбирлар хусусида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси, Меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси, Пенсия жамғармасига, бошқа мутасадди идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Қарорда қонунчиликда белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар уни амалда шакллланган, лекин қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдоргача камайтиришлари ёки белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакларда қайта ташкил этишлари мумкинлиги маълумот учун қабул қилиниши қайд этилган.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига рўйхатга олувчи органларнинг аризасига мувофиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлар тоифасига киритилган корхоналарнинг рўйхатини эълон қилиб бориш вазифаси юкланди.

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ **Кеча** республикамизнинг барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов энг тараққий топган давлатларнинг нуфузли университетларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритганликлари учун «Умид» жамғармаси грантларининг соҳибларига табрик телеграммаси йўллади.

◆ 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Ҳар йили август ойининг дастлабки якшанбасида мамлакатимиз темир йўл транспорти ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонлайдилар. Ўз тарихини 1874 йилдан бошлаган Ўзбекистон темир йўли ўтган давр ичида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Бугунги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси мамлакатимиз транспорт тизимининг қудратли механизмларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда компанияга қарашли йўллар узунлиги 4300 километрга яқиндир. Ташилаётган юкларнинг 90 фоизи темир йўл транспорти зиммасига тўғри келади.

Ўз анъаналарига содиқ ушбу касб эгаларининг кеча Темирйўлчилар саройида байрамга бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Тошкентда Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов раислигида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

◆ Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон шаҳридаги марказий истироҳат боғи юрт озодлиги учун кураш рамзига айланган Жалолиддин Мангуберди номи билан атала бошланди.

◆ «Тошкент» ва «Самарқанд» халқаро аэропортлари жаҳон авиация ҳамжамиятига аллақачон маълум. Улар «Европа ва жаҳон аэропортлари халқаро ассоциацияси»нинг аъзолари ҳисобланади. Мана энди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан «Бухоро» ва «Урганч» аэропортларига ҳам халқаро аэропорт мақоми берилди.

◆ Халқ депутатлари Қуйичирчиқ тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

◆ Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида чоп этилаётган газеталар турли танловларда иштирок этмоқда. Улар нафақат вилоят ва республика, балки халқаро миқёсдаги танловларда ҳам қатнашишяпти. Куни кеча Ангрен шаҳрига хушхабар келди. Бу расмий таклифномада таҳририятнинг шу йил 21 август куни Мехико-Ситига ташриф буюриши сўралган. Сабаби нуфузли танлов ҳайъати «Ангрен ҳақиқати» газетасида ахборот, таҳлилий ва реклама материалларининг ёритилиши, шунингдек, унинг безатилишини синчиклаб ўрганиб чиқиб, совринга лойиқ деб топган.

◆ Паркент туманининг Чанги қишлоғида «Аёлингни асрагин, элим» мавзусида баҳс-анжуман бўлиб ўтди.

◆ Қўрғонтепа шаҳрининг Мустақиллик маҳалласи гузарида гиламчилик, зардўзлик ва нон маҳсулотлари цехларида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Шу боис туман аҳолиси ушбу гузарни «Аёллар гузари» деб аташга қарор қилди.

◆ Аёллар йилида тошкентлик Раиля Зиннатованинг омади келди. У «Бритиш Американ Табакко» Ўзбекистон қўшма корхонаси томонидан ўтказилган «Хон-1999» бош совринни 3 миллион сўмнинг бахтли соҳибаси бўлди.

◆ Эртага футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг якунловчи давраси ўйинлари бошланади.

◆ Ўзбекистон Бадиий Академияси Марказий кўргазмалар залида 5 август куни мусаввир Зебо Шарипованинг «Онамга бағишлайман» номли кўргазмаси очилади.

ЖАҲОНДА

◆ Россия Федерацияси Бош вазири Сергей Степашин АҚШга қилган бир неча кунлик расмий ташрифини якунлади. У АҚШнинг юксак даражадаги раҳбарлари билан учрашиб, икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтариш юзасидан фикр алмашди.

◆ Қирғизистондаги тожикистонлик қочоқларни ўз ватанига қайтариш давом этмоқда. Уларнинг йўл харажатларини БМТнинг махсус олий комиссарлиги ўз зиммасига олди.

◆ Ҳиндистон илк маротаба атом сувости кемасини қуришга киришди.

◆ Доғистоннинг Бўйнакск шаҳрида Россия ҳарбийлари тушган автомашина портлатилди. Уч киши ҳалок бўлди, ярадорлар бор.

◆ Кишинёвда Молдова Президенти Петру Лучински ва Тираспол маъмурияти раҳбари Игорь Смирнов ўртасида Днестрбўйи муаммоси юзасидан ўтказилган музокаралар ижобий натижа бермади.

◆ Литва Бош вазири Роландас Паксас амалий ташриф билан Финляндияда бўлди. Мулоқотлар чоғида у Литванинг Оврупо Иттифоқига қўшилиш жараёни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

◆ 2 минг нафар йўловчи сиғадиган улкан кема Буюк Британия соҳилларидан Американинг Флорида штати соҳили томон йўл олди. Кеманинг ўзига хос хусусияти шундаки, у жаҳондаги дастлабки кўнгилочар ва дам олиш кемаси ҳисобланади. Уни яратиш ғояси машҳур Уолт Дисней компаниясига тегишлидир.

◆ Яқинда мексикалик аёллар эркакларнинг номақбул феъл-атворидан норози бўлиб, намойишга чиқишди. Гап шундаки, бу мамлакатдаги эркаклар уй-рўзғор юмушларини фақат аёллар зиммасига ташлаб қўйишар экан.

◆ Жаҳонда энг донғи кетган «SONY» фирмаси мутахассислари дунёда энг кичкина — жимит магнитофон ясадилар. Магнитофон кассетасининг ҳажми почта маркаси билан тенг, яъни қалинлиги 5 миллиметр, узунаси 3 сантиметр, эни эса 2,15 сантиметрдир. Кассета стандарт ҳолатидан тўрт марта кичик бўлишига қарамай, икки соат айланади.

◆ Америка давлати тараққиёт банки Бразилия ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт миллий банки билан мамлакатда ўрта ва кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисидаги келишувни имзолади.

◆ Японияда ишсизлар сони тобора ортиб бораётир. Айни пайтда мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5,1 фоизи ишсиздир. Бу Японияннинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихи давомида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

◆ Таиланд чегарачиларининг контрабанда билан шуғулланадиган мьянмалик жиноий гуруҳи аъзолари билан бўлиб ўтган қуролли тўқнашув ниҳоясида 4 миллион дона амфетамин таблеткаси ва 16 килограмм гиёванд модда қўлга киритилди. Таиланд ҳукумати вакили берган маълумотларга қараганда наркотик моддаларнинг «қора бозор»даги нархи 9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

◆ Яқинда Филиппинда «Лепанто Консолидейтед» Майнинг» компаниясига қарашли йўловчи самолёт ҳалокатга учраган эди. Куни кеча ушбу самолёт экипажи аъзолари ва йўловчиларнинг жасадлари топилди. Фалокат сабаби ўрганилмоқда.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1999 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилиб, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар 1 квт соат электроэнергия нархи 3 сўм 50 тийин, ошхона электроплиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 1 сўм 75 тийин белгиланди.

Аҳоли учун ўрнатилган барча имтиёзлар сақланиб қолинади.

1 августгача сарф қилинган электр энергия ҳақи эски нархда фақат 10 августгача қабул қилинади.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

ЯНГИ УЙЛАР

Юртимиз истиқлолининг саккиз йиллик шодиёнасини нишонлаш учун ҳам саноқли кунлар қолди. Бу кунни ёруғ юз, самарали меҳнат ва улкан зафарлар билан кутиб олиш мақсадида барча соҳа меҳнаткашлари ҳозирланишган. Айниқса, қурувчиларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ўзгача. Усмон Носир кўчасидаги беш қаватли уйда таъмирлаш ишларининг бошланганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлсада, бу ерда пайванд ишлари билан бир қаторда пардоз ишлари ҳам олиб борилмоқда. Таъмирлаш ишларини «159-трест» акционерлик жамиятига қарашли 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари олиб боришаяпти.

— Дастлаб иш бошлашдан олдин уйнинг лойиҳасини пухта ўрганиб чиқдик, — дейди 9-қурилиш бошқармасининг иш юритувчиси Олимжон Содиқов. — Лойиҳани қайта тайёрлаган Ўзбекистон илмий текшириш (ЎзИТЛИ) ҳамда Тошкент лойиҳа илмий текшириш (ТошИТЛИ) лойиҳа институтлари анча-мунча ўзгартишлар киритиб, ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даражада қилиб беришган. Шунга асосан биз ҳам пайванд ишларини тез ва соз бажаришга киришдик. Уйнинг буюртмачиси Тошкент шаҳар ҳокимлиги бўлиб, мана шу биргина уйнинг таъмирлаш ишларига 100 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Биз бош пудратчи бўлиб иш бошлаган кезларимиздаёқ пардоз ишларини ҳам бирваракайига олиб боришни режалаштирган эдик. Айни кунда режаларимиз амалга ошмоқда. Элликка яқин пайвандчи сўнгги пайванд ишларини, 100 дан ортиқ пардозловчилар эса пардоз ишларини олиб боришмоқда.

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида топшириладиган бу уйда нафақат 40 та хонадон соҳиби, балки шу атрофдаги маҳалла аҳли ҳам хурсандчиликни биргаликда баҳам кўришади. Чунки уйнинг биринчи қаватидан қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари, электр-хўжалик моллари, бўш шиша идишлари қабул қилиш шохобчаси ўрин олади. Ишимизнинг жадаллашиб боришида кўп йиллардан буён қурилишда ишлаб келган Бурҳон Ҳусановнинг ҳиссаси катта. Улар сардорлик қилаётган бригаданинг барча йигитлари ишчан ва ҳаракатчан. Шу боисдан биз ҳам қурилиш материалларини узлуксиз етказиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Пишган ғишт, бетон қоришмаси, керакли темир анжомлари, сантехника жиҳозлари вақтида келтирилмоқда. Сифатли қилиб ишланган дераза ромлари Сирғали қуёшдан ҳимоя қилиш корхонасидан келтирилмоқда. Таъминотнинг яхши бўлишидан ғайратланган пайвандчилар Илҳом Омонов, Неъмат Пўлатов, ғишт терувчи Одил Орифжонов ва бошқалар ҳам самарали ишлашмоқда. Йигитларимизнинг кўпчилиги бошқа вилоятлардан келиб ишлаётганлар. Улар ғайратли, меҳнатга чанқоқ. Биз улар билан шартнома асосида ишлаймиз. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли ётоқхоналардан яшаш учун жой ажратилган. Иссиқ овқат ва чой билан тўла таъминланган. Мана шундай шароит яратилгани учун ҳам ишимизда унум ва самара тобора ортмоқда. Шу боис зиммамиздаги барча топшириқларни ортиғи билан адо этиб, таъмирланаётган уйни мустақиллигимизнинг саккиз йиллик шодиёнаси арафасида фойдаланишга топшириш умидидамиз.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: ишчи Мухтор Маҳмудов билан иш юритувчи Олимжон Содиқовлар қилинган ишларнинг самарасини кўздан кечиришмоқда; пайвандчи Илҳом Омонов иш устида.

Темур Курбонбоев олган суратлар.

Юлдуз УСМОНОВА:

...АЗИМ ДАРЁДЕК БАҒРИ КЕНГ ЭЛИМ!

— Ўзбек қўшиқчилиги, эстрадаси сарҳадларини хийла кенгайтирган, нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам миллионлаб мухлислар меҳрини қозонган Юлдуз Усмонова ўтган йили кўпчилик кутмаган бир «юриш қилди» — Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига аъзо бўлиб кирди. Буни қандай изоҳлайсиз? Умуман «фидойилик» деганда сиз нимани тушунасиз?

— Жавобни саволингизнинг охиридан бошласак. Киши фидойи деб аталиши учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, масалан, чўкаётган одамни қутқариб қолиши шарт эмас. Мен учун фидойилик, аввало, кишининг ўз бурчини ҳалол адо этиши демакдир. Халққа хизмат қилиш йўлида шахсий манфаатларингдан воз кечиш, қийинчиликларни енгиш демакдир. Чунки ҳозирги мураккаб даврда шунинг ўзи ҳам кишидан озмунча куч, сабр-тоқат, жасорат талаб қилмайди.

Деҳқон даласида, ишчи дастгоҳида, муаллим мактабида — барча ўз зиммасига олган бурчини ҳалол бажарса, муаммоларимиз камроқ бўлади, яшашимиз осонлашади, фаровонлигимиз ортади. Бир гап бор: қандай меҳнат қилсанг, шундай яшайсан. Бошқача айтганда, қўл учида ишласанг, худойим ҳам ризқингни шунга яраша — қўл учида беради. Меҳнатнинг, ўтиш даврининг қийинчиликларига чидасанг, кўнглингни кенг қилсанг, сабр-бардошли бўлсанг, натижаси ҳам хайрли, баракали бўлади. Фидокорлик мавҳум тушунча эмас. У ҳар бир инсофли, диёнатли одамнинг қўлидан келадиган иш. Ҳар ҳолда, мен шундай тушунаман.

Айни пайтда, киши дейлик Фидокорлар партиясига аъзо бўлиб кириши билан ватанпарвар ёки миллатпарвар ҳам бўлиб қолмайди. Ёки аксинча, бундай фирқа борлигидан бехабар одам ҳам ўз бурчини ҳалол бажарар экан, Ватани ва халқи учун ибратли ишлар қилиб юрган бўлиши мумкин.

Юлдуз Усмонова Фидокорлар партиясининг аъзоси бўлган экан, бундан ажабланмаслик керак. Чунки, буни мен элимга хизмат қилиш йўлидаги бир восита деб биламан. Эл-юрт ташвишида юрган кишилар — олиму зиёлилар, санъаткору тадбиркорлар ўзаро бош қовуштириб, маълум бир фойдали ғоялар билан чиқса, уларни баҳамжиҳат амалга оширмоқчи бўлса, нимаси ёмон?

Ёмони — мажлисбозлик, номига тадбир ўтказиш. Шукрки, бизнинг партиямиз ҳозирча бундай ортиқча талотўплардан йироқда.

Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, яқин кунларда Фарғона водийсига бориб, концертлар бермоқчиман. Лекин, одатдагидек, шаҳарлардаги санъат саройларию стадионларда эмас. Далада, шийпонларда, деҳқонларнинг ҳузурида. Ҳа, мен бу гал қишлоққа боришни ният қилдим. Чунки, қишлоқ одамлари юзлаб чақирим йўл босиб, Тошкентга ёки вилоят марказига келиши қийин. Бунга уларнинг вақти ҳам, имкони ҳам йўқ: Ёз — ўрим-йиғим палласи, далада иш қизиган пайт. Очиғини айтсам, қишлоқларимиздаги оддий, кўнгли тоза, меҳнаткаш одамлар-нинг дуоси менга куч ва илҳом беради. Ўйлайманки, ўз навбатида менинг қўшиқларим ҳам уларнинг кўнглини кўтаради.

Мен учун халқимнинг дуосини, олқишини олишдан улуғ бахт йўқ.

— Бугун «Ватан», «Истиқлол» сўзларини бир-биридан айрича тушуниб бўлмайди. Сиз учун бу сўзлар нимани англатади?

— «Ватан» дейилганида мен, аввало, оилани тушунаман. «Ватан оиладан, уйингнинг остонасидан бошланади», деган ибора мен учун қуруқ гап эмас. Эътибор берганмисиз, хотинидан ажралиб, сўққабош бўлиб қолган эркакни баъзан халқ ичида «фалончи беватан экан», деб ҳам атайди. Чунки оилада тинч-тотувлик, меҳр-оқибат, фаровонлик бўлса, мамлакатда ҳам ривожланиш бўлади. Шу сабабли, оиладаги соғлом муҳит фарзандлар тарбияси, юрт тақдири учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун йўлбошчимиз Ислом Каримов ўтган йилни «Оила йили» деб, 1999 йилни эса оиланинг асосий таянчи — «Аёллар йили» деб эълон қилдилар. Шунинг учун мустақил Ватанимизнинг илк нишони яхши ният билан «Соғлом авлод учун» ордени деб аталган. Шунинг учун давлатимиз даромадининг — бюджет маблағларининг қарийб ярми аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун сарфланмоқда. Қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ижроси учун миллиард-миллиард сўм маблағ ажратилаётгани, янгидан-янги замонавий мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари қурилаётгани, минглаб йигит-қизларимизнинг хорижга таълим олиш учун жўнатилаётгани ҳам ана шундай улуғ мақсадларга хизмат қилади. Айтинг-чи, Ўзбекистонда илгари ҳеч бир замонда шундай бўлганми? Бўлмаган. Сабабки, чоризм замонида ҳам, шўролар даврида ҳам ўзбек фарзандининг униб-ўсиб кетишидан, дунё кўришидан, ўзини танишидан — «кўзининг» очилишидан «марказ» ҳеч қачон манфаатдор бўлмаган.

Илгари хорижий тилларни билган кишини кўрсак, ҳозиргина осмондан тушган фазогирни учратгандек, лолу ҳайрон томоша қилардик. Унга ҳавас ва ҳайрон боқардик. Энди-чи? Ўтган етти-саккиз йил ичида биргина ана шу жабҳада эришган ютуқларимизни кўриб, қувонганимдан теримга сиғмай кетаман. Наманганлик оддийгина бир ўзбек ўғлони — лицей ўқувчиси АҚШга, халқаро мусобақага борса, дунё болалари орасида ўзининг энг илмли, энг салоҳиятли талаба эканлигини намойиш қилиб, бош совринни олса, ўзи-нинг зукколиги билан Америка Президенти Билл Клинтонни ҳам ҳайратга солса, айтинг, қувонмай бўладими? Хўш, айтинг, буларнинг барчасини Ватандан, Ватан озодлигидан — истиқлолидан айри тасаввур қилиш мумкинми?

Шу ўринда, мен бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим: Ватанимизнинг мустақиллиги бизга қандай янги имкониятлар берганлиги, бу имкониятлардан қандай фойдаланишимиз керак-лигини ҳали барчамиз ҳам тўла англаб етганимиз йўқ, афсуски.

Ҳар бир нарсанинг афзаллиги қиёсланганда намоён бўлади.

Яқинда янги мактаб дарсликларидан бирини варақлаб қолдим. Варақладиму ҳаяжондан кўзларимга ёш келди. Айтинг, истиқлолгача Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий кимлигини бирор мактаб ўқувчиси билармиди? Боболари Амир Темур, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Замахшарий ким бўлган? Улар қандай улуғ ишлар қилган? Билармиди? Биларди, дунё аҳли биларди, фақат ўзбек болалари эмас. Яна бир мисол: мен 1991 йилгача мубарак ҳаж арконларини адо этган ўзбек ҳожисини кўрмаганман. Шундай одамни кўрганимни эслай олмайман ҳам. Энди-чи, энди Ўзбекистонда ўз ҳожиси бўлмаган шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўча қолдимикан? Ислом Каримовнинг Президент сифатида имзо чеккан илк фармонларидан бири Наврўзни умумхалқ байрами деб эълон қилиш, Ўзбекистон фуқароларини Муборак ҳаж сафарига жўнатишни ташкил этиш каби халқимиз неча асрлар қон ютиб кутган хайрли тадбирларга бағишланганлигини бугун — истиқлолимизнинг саккиз йиллик байрами арафасида эсламай бўладими? Ҳа, биз халқимиз бошидан ўтган аянчли кунларни унутмаслигимиз, бугунги хайрли ишлар учун шукроналик билдиришимиз, қувонишимиз керак. Шунда Ватаннинг, Ватан мустақиллигининг қадрига етамиз. Эртамиздан кўнглимиз тўқ бўлади.

— Ўзингиз ҳам тез-тез чет элларга чиқиб концертлар намойиш этиб турасиз...

— Ҳа, ҳозир кўпроқ чет элларда концертларим бўляпти. Клипларим, альбомларим, дискларим чиқаяпти. Биласизми, у ердаги концерт олди ташвиқотида «Ўзбекистоннинг ҳақиқий юлдузи — Юлдуз Усмонованинг концертига марҳамат қилинг» деб реклама қилишади. Шунда ўзбеклигимдан, ўзбекистонлик эканлигимдан, бағри кенг халқимизнинг, қадимий маданиятимизнинг вакиласи эканлигимдан фахрланиб кетаман. Саҳнага чиқаман-у ашуламни бошлайман: «Ўзингдан қўймасин, халқим».

Чунки шу халқ, шу Ватан, шу миллат, шу маданият борки, мен борман. Улар бўлмаса, Юлдуз Усмонованинг кимга кераги бор.

Хорижда бўлганимда кўпинча журналистлар: «Барча шароит муҳайё, Оврўпада бутунлай қолиб яшасангиз бўлади-ку, нега бундай қилмаяпсиз?»,деб сўрашади. Мен айтаманки, Ватаним — Ўзбекистондаги шароитнинг ҳам ҳозир сизлардагидан кам жойи йўқ. Қанча ижод қиламан, қандай яшайман десам, имконият, шарт-шароит бор. Қолаверса, сизлар жуда меҳмондўстсизлар, лекин ҳеч қачон ўзбек бўлолмайсизлар, дейман. Негаки, бизда ярим тунда биров бирон нотаниш эшикни тақиллатса, уй эгаси меҳмоннинг кимлигини сўрамайди. «Хуш келдингиз» деб кутиб олади. Топган-тутганини унинг олдига қўйиб, меҳмон қилади. Сизлар эса бундай пайтда полиция чақирасизлар.

— Шу ўринда яна бир савол: истиқлол ижодкорга, санъаткорга нима берди? Санъаткор-чи?

— Биргина мисол. Илгари хорижга чиқиш учун ойлаб ҳужжат тўплардик-да, Москвага борардик. Ҳужжатларимиз «Марказ»да ҳам ойлаб ётарди. Москвалик амалдорга ёқса, рухсат берарди, йўқса, уни-буни баҳона қилиб, рад этарди. Ҳозир гастролга бормоқчи бўлсам, уч кунда виза оламану кетавераман.

Илгари бирор жойда концерт бермоқчи бўлсангиз, мудом бир саволга жавоб қайтаришингизга тўғри келарди: «Нега репертуарингизда партия ҳақида қўшиқ йўқ?» Бунинг устига, қандай ашулани айтиш, қанақасини айтмаслик кераклигини белгилаб беришарди. Энди эса, шукрки, бу ишларнинг барчасида эркинмиз. Аммо истиқлолимиз санъаткорга берган имконият шуларгина эмас. Энг муҳими, санъат аҳли ўз Ватани, эрки, миллатининг саодатию орзу-армонлари ҳақида бемалол куйлаш имкониятига эга бўлди. Санъаткорларимиз энди ана шу имкониятдан унумли фойдаланса, истиқлолга муносиб хизмат қилган бўлади, деб ўйлайман.

Шу ўринда мен санъатимиз, маданиятимиз, умуман, халқимизнинг, Ватанимизнинг бугуни ва келажаги учун чексиз ғамхўрлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримов билан бир вақтда, бир замонда яшаётганимдан жуда-жуда фахрланишимни таъкидлаб ўтишни истардим. Йўқ, булар шунчаки айтилаётган гаплар эмас. Булар юракдан чиқаётган миннатдорлик туйғуларидир. Бахтимиз бор эканки, бугун шундай доно инсон халқимизнинг бошида турибди. Бу инсоннинг қадрига етишимиз керак...

Сиз суҳбатимизнинг бошида Ватан ҳақида сўрадингиз. Биласизми, менинг бир орзуим бор: эрта бир кун бу ҳаётдан кетар бўлсам, Ватаним — Ўзбекистон тупроғига кўмилиш. Чунки мен шу табаррук заминда туғилиб ўсдим, санъатни танидим, халқимнинг эрка қизига айландим, дунё кўрдим,дунёдаги ҳар бир халқ улуғ, ҳар бир мамлакат ўзига хос. Аммо мен учун Ўзбекистондан, ўзбек халқидан табаррук замин, улуғ халқ йўқ. Дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмай, юртимни, халқимни соғинавераман! Соғинганим сари уни дунёга танитиб, куйлагим келаверади.

Беҳзод УСМОН суҳбатлашди. (ЎзА).

Ота-боболаримиздан яхши бир удум қолган: ҳар бир тирик жон ҳаракат қилишга қодирми, демак у бир ҳунарнинг, касбнинг бошини тутмоғи керак. Гарчи шундай экан нима учун кўплаб ёшларимиз ҳунар ўрганмайди, касби бўйича ишламайди. Аксариятининг топган баҳонаси — иш йўқ. Зеро, шаҳримиздаги кўплаб корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар, қурилиш ташкилотларида иш жуда сероб-ку. Бунинг исботини Юнусобод туманида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркасидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ярмаркада бўш иш ўринлари мавжуд бўлган 20 дан зиёд корхона ва ташкилот, ўқув муассасалари иштирок этди. Улар орасида «Ўзбекқишлоқмашинасозлиги», «Асбобсоз», «Юлдуз» акционерлик жамиятлари, 2,75-қурилиш бошқармалари, «Супертекстил» қўшма корхонаси, радио-техника коллежи ва бошқа ўқув марказлари бор эди. Бўш иш ўринлари билан танишар эканмиз, таклиф қилинаётган иш жойларининг белгиланган маошлари ҳам айтарли паст эмаслигини, қўшимча имтиёзлар борлигининг шоҳиди бўлдик. Қўлида ишга йўлланма олган қизни саволга тутдик.

— Мен, Барно Бакирова, Юнусобод туманининг 14-даҳасида яшайман. Ярмарка ҳақида эшитиб, синглим Наргиза билан келган эдик. Вақтимиз беҳуда кетмади. Иккаламиз ҳам иш топдик. Мен шади. Айниқса, қизларимизнинг ўз касбларига садоқатликларини кўриб, кўпинча нима учун ўғил болалар ҳам бирор бир ишга шундай ёндошмайди, бунинг сабаби нимада экан деб ўйланиб қоламан. Ва кўпроқ айбни ота-онадан топгандай бўламан, чунки оилада ҳам барча ишларни асосан қизлар қилади. Ўғил болаларни кўпроқ айрим ишларгагина жалб этишади. Мана оқибатда «хотамтой» ўғил болалар вояга етишиб келади. Улар эса давлатга фойда келтириш ўрнига, зарар келтиради. Бу билан демоқчиманки, оиладан бошлаб ўғил болаларни меҳнатга чанқоқ қилиб тарбиялаш керак.

— Мана корхонамизда 150 ўринга мўлжалланган қўшимча иш ўринлари очилди. Ўйлайманки, тез кунда бу бўш иш ўринлари тўлдирилиб, фаолиятимиз янада кен-

Бандлик

ҲУНАР — ҲУНАРДАН УНАР

1997 йили политехникумнинг модельерлик гуруҳини битирган эдим. У ер — бу ерда ишладим, аммо кўнглимдагидек бўлмади. «Юлдуз» акционерлик жамиятининг донғини кўп эшитган эдим, шу ерда ишлаш насиб этадиган бўлди. Ярмаркада ёшларга мос ишлар кўп таклиф этилибди. Ишлайман деган ҳар бир инсонга, озгина ҳаракат қилса иш жуда кўп экан.

— Қизимиз, тўғри айтди, ҳаракат қилган инсонга қадамида иш, — дея суҳбатимизга қўшилди «Умид» маҳалласининг оқсоқоли Мирҳосил Ниғмонов. — Асли касбим педагоглик. Маҳалламизда 1077 оила, 3910 нафар аҳоли яшайди. 19 та баланд қаватли уйлар мавжуд. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинким, маҳалламизда қўйди-чиқди, безориликлар бўлаётгани йўқ. Бундан хотиржамликка берилмай, аввалгига нисбатан айниқса вояга етмаганлар билан шуғулланишни кучайтирдик. Ота-оналарини алоҳида суҳбатдан ўтказиб, ҳунари йўқ болаларни ҳунар ўрганишга, ўқишни истаганини ўқишга жалб этдик. 18 ёшдан юқори бўлган ёшлар қайтадан рўйхатга олинди. Айни вақтда шундай ёшлар сони рўйхатда 50 тага яқин бўлса, улардан 18 нафари иш ва ўқишга юборилди. Бу борада меҳнат органининг инспектори Соҳиба Аҳмедова яқиндан ёрдам бермоқда. Эндиликда бундай меҳнат ярмаркаларини маҳаллаларда, кечки пайт ўтказиш керак. Чунки янграб турган мусиқалар овози бозор ёки хиёбонлардан кўра маҳаллаларда янада жўшқинроқ янграйди.

— Маҳаллаларимизнинг ўзи кичкина бир Ватан саналиб, «Ватан ичра Ватан» деб бежиз айтилмайди. Кўпчилик маҳаллаларда ўсган ёшларнинг тарбияси ҳам бошқача деган тушунчада бўлади. Бу рост гап. Бунинг исботини иш жараёнида ҳам кўп кўрганмиз. Бизнинг корхонада асосан аёллар меҳнат қилиягаяди, — деб ёшларни жалб этиш хусусида изоҳ берди «Юлдуз» акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ходимлар иши бўйича муовини Тоҳир Собитов.

— Меҳнат ярмаркасини ўтказиш жараёнида асосий эътиборни ёшларимизга қаратганимиз бежиз эмас, — дейди меҳнат органи раҳбари Мактуба Ваҳобова. — Чунки улар келажагимиз, ворисларидир. Бугун ишли, ҳунарли бўлмаса, унда қачон ўрганади. Оилада қиздир, ўғилдир вояга етишини пойлаб ўтирмай бир жойда ишлаш, ҳунарли бўлиш кони фойда эканлигини тушунтириб, улар онгига сингдириб бориш керак.

Мана ярмарка давомида 2 мингга яқин фуқаро иштирок этди, 320 нафари маслаҳат, 68 таси ишга, 13 таси ўқишга йўлланма олди. Йил бошидан буён эса 3339 нафар фуқаро органимизга мурожаат этган эди. Улар керакли маслаҳат ва тавсиялар олишиб, 644 нафари йўлланма асосида ишга жойлаштирилди. 60 нафар фуқаро муддатидан илгари пенсияга чиқарилди. 207 нафар фуқаро эса касб-ҳунарини ўзгартириш учун ўқув марказига юборилди.

Туман ҳокимининг 1999 йил 7 апрелдаги 671-сонли қарорига асосан фаолият кўрсатаётган 10 та корхонада 154 та қўшимча махсус иш жойлари ташкил этилди. Булардан 60 таси ёшлар учундир. Дарҳақиқат, ҳунар жиловини ёшликдан ушласак фақат ўзимизга фойда. Зеро, бошқа касбни ўрганаман дегунча вақт кутиб турмайди. Доноларимиз бежиз айтишмайди, ҳар бир ишнинг ўз вақтида бўлгани маъқул.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: Юнусобод тумани меҳнат органи томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ОРЗУЛАРИМИЗ УШАЛДИ

Ҳар куни Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан ўтаман. Анҳор бўйлаб юқорига кўтарилсам Хотира хиёбонига нигоҳим тушади. Унга қарай туриб ҳоклари узоқ мамлакатлар жанггоҳларида қолиб кетган ватандошларим ҳаёлимдан ўтади. Мотамсаро она ҳайкали олдида бош эгаман. Назаримда она Ватанимиз келажаги, истиқлоли учун кўкракларини қалқон қилган қуролдош дўстларимнинг барҳаёт руҳлари тилга киргандек бўлади. «Бизларни унутманглар, жонажон Ўзбекистонимизнинг абадий озодлиги-ю ободлиги, буюк истиқлоли учун жасорат ёдгорлигимиз, истиқлолимиз бахтини кўз қорачиғидай асранглар. Унга гард тушмасин, ёвуз ниятли қора кучлардан эҳтиёт бўлинглар», деяётгандек.

Дунёда бировнинг бахтига кўз олайтирувчиларни ўйласам, ёдимга 1944 йил декабрида Ватандан олисда, оловли майдонларда ёзган бир шеърий мисрам: «Она диёрим, Ўзбекистоним сени ўзгаларга бермаймиз, ишонмаймиз», деганим ёдимга келади.

—Ҳа, насиб бўлди бизга буюк истиқлол. Унинг баҳорий нафаси билан куч-ғайратга тўлган забардаст халқимиз улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда, неча минг йиллар хомуш ётган истибдод асоратида азоб чекиб, қарам бўлиб қолган юртимиз энди қаддини кўтариб, дунё аҳли олдида ўз қудратини, нурафшон жамолини намоён этмоқда.

Киши руҳан бардам бўлса, уни ўзи яшаб турган ҳаёт меҳрида кўради. Бу меҳр Ватан меҳри бўлиб, кишини камолот сари етаклайди. Фуқаролик бурчини англашга, «Обод Ватани ва гўзал ҳаёти учун нима қилдим, қандай кўмагим тегяпти», деб босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди.

Босиб ўтилган йўлимни эслаб, ўйланиб қоламан. Аср бошида, иккинчи ўн йилликда дунёга келган бўлсам-да, мана янги аср нафасини ҳис этиб турибман. Инсон умри сафарга чиққан карвонга ўхшайди. Унинг йўлларида довонлар, саҳролар, машаққатли ҳам, заҳматлару нону насибаларига дуч келади. Инсон ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олса, довонларни ҳам, саҳроларни ҳам ортда қолдириб, бахтли ҳаёт манзилларига етиб боради, эзгу ниятларига мушарраф бўлади. Бизнинг жонажон халқимиз ҳеч қачон ўз эътиқоди, ўзлигидан қайтмаган, ёвуз кучларни енгиб, бўронлардан ўтиб, асрлар бўйи орзу этиб келган буюк истиқлол даврига етиб келди.

Уч рангли, ҳумо қуши қанот ёзган мустақиллик байроғимиз дунё бўйлаб ҳилпирамоқда. Хорижий давлатлар байроқлари орасида жилоланиб турибди. Эндиликда диёримиз тантаналарини ўз гимнимиз, ўз миллий урф-одатларимиз билан кутиб олмоқдамиз, ўз тилимизда эркин сўзлашиб, XXI аср остонасига қадам қўймоқдамиз, буюк оғаларимиздан рухсатномалар сўрашга эҳтиёжимиз қолмаган, ўзимиз экиб, ўзимиз ўриб оляпмиз, нону насибамизни ўз оилавий, эркин дастурхонимизда кўряпмиз.

Яқинда Фарғона водийсида бўлдим. У ердаги бекиёс, улкан қурилишларни кўриб, бундай жўшқин бунёдкорлик ишлари бошқа вилоятларимизда ҳам авж олаётганлигидан хабар топиб бошим осмонга етгудай бўлди. Узоқ умр зинапояларидан ўтиб, бугунги мустақил ҳаёт туйғуларини дилимдан ўтказиб, бу менинг Ватаним жамоли дейман. Она-Ватанимизнинг, қудратли, кенг қанот ёзаётган давлатимизнинг ютуқларини кўролмайдиганлар, улар ўзларини сояга олиб, қоронғу қазноқларни ахтарадилар, карвонларимизнинг танлаган янги ипак йўлларидан қайтмасликларини, уларни келажакнинг буюк, нурли манзиллари кучоқ очиб кутиб олаберишларини сезмасликка ўзларини мажбур этадилар.

Она диёримиз дунё ниго-ҳида турибди. Унинг ер ости, ер усти бойликлари узоқ, яқин хорижий давлатларни ҳайратга солмоқда, уларнинг тадбиркорлари бизга ҳамкор бўлишни афзал кўриб, биргаликда янги шарқона, ҳаридоргир маҳсулотлар ишлаб, дунё бозорларига олиб чиқмоқдалар.

Буюк ишларимизнинг буюк сардори ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов дунё осойишталиги учун фидокорона курашиб келаётганликларини халқимиз ҳам, дунё аҳли ҳам яхши билади. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро учрашув Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишда асосий омиллардан бири бўлди. Эндиликда Тошкент Декларациясини бутун дунё билади. Халқимиз, давлатимиз қўшнинг тинч, сен тинч, деган муқаддас нақлга азму эътиқод билан амал қилиб келмоқда.

Она диёримиз, бунёдкор халқимиз мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини янги, улкан режалар билан кутиб олмоқда, юртимизнинг ҳамма томонларидан улуғ айёмимизга бағишланган муваффақиятларимиз ҳақида хушхабарлар келмоқда, бепоён далаларимизда янги ҳосил хирмонлари қад кўтармоқда, саноат, кон, транспорт, моддий ва маънавий соҳаларда элимизнинг музаффар қадамлари сезилиб турибди. Бу мустақиллигимиз шарофатидир. Бу менинг, жонажон халқимнинг тақдиридаги эзгу ифтихор туйғуларидир.

Назармат ЭГАМНАЗАРОВ.

Мозий

«АВЕСТО» НОН ҲАҚИДА

Инсониятнинг энг олижаноб кашфиётларидан бири — нон — доннинг ихтиросидир. Ҳа, одамзот доннинг фойдалилигини билиб олгунча узоқ ва машаққатли тарихий йўлни босиб ўтди. Она — аёлларимизнинг номи билан боғлиқ бўлган, мазкур ҳаётий неъмат, зукко момоларимизнинг ақл-заковатининг мевасидир. Ёввойи ҳолатда дон-дунларни истеъмол қилиб юрган ўтмишдошларимиз уни кўпроқ йиғиб, зарурат туғилганда фойдаланганлар. Сочилиб ерга тушганларидан эрта кўкламда ниш уриб, майсага айланади.Табиатнинг бундай мўъжизасидан ҳайратга тушган уй бекалари, майсани эҳтиётлайдилар, авайлаб-асрайдилар. Бир кун келиб бош олади, ундан мамнун бўлган эгаларига вақт ўтиб дон доналарини туҳфа этади. Мана кўрдингизми азизлар, шундай қилиб, одамзот яна бир буюк кашфиётнинг муаллифига айланиб қолди. Донни ихтиро қилган аждодларимиз табиатнинг яна бир мўъжизасининг соҳибига айланиб қолдилар. Шундай қилиб дон — ун — нон одамлар ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлиб қолди. Одамзот озиқ-овқатларининг ичида энг бебаҳоси нон ҳисобланади. Шунинг учун нон ҳамиша инсоният томонидан улуғланган, унга ҳамду санолар битилган. Шарафланиб, эҳтиромлар билдирилган

«Деҳқон ишлаб нон сочар,
Элга ризқ йўлини очар»,

дейилса, бошқасида

«Деҳқон одам дон сочар,
Эл-юртга нон сочар»,

деб мадҳ қилинган. Ҳа, дон, нон одамзотнинг энг керакли неъматларидандир. Шунинг учун ҳам ҳамиша ардоқда, эъзозда, аждодларимизнинг муқаддас «Авесто»си ҳам бундан мустасно эмас.

«Авесто»да ер, буғдой, ун, нон шунчалик кўп марта тилга олинадики, ўқиб ҳайрон қоласан. Бу неъматлар «Авесто»да қанчалик кўп марта қайд этилмасин, аммо қайтариш йўқ, аксинча таърифлар бир-бирини тўлдириб, янги-янги томонларни очади. Мана илоҳий китобдан бир шингил:

«— Эй, дунёни яратган зот!
Эй ҳақиқат, — дейилади «Авесто»да, — Мазда (олийилоҳ) динини қандай таом тўйғизади. Ахура — Мазда жавоб берди.
— Эй Спийтмон Зардуш!
Буғдой экмоқ ва яна буғдой экмоқ».

Дарҳақиқат, буғдой — ризқ, насиба, тириклик тимсоли; айни вақтда таомларнинг сарваридир. Ундан тайёрланган овқатларнинг саноғи бўлмаса керак, фақат нонинг ҳислати минг олам, усиз кунингиз ўтмайди.

Нонинг қанчалаб сир-синоатлари сарҳисоб қилинганки, уларнинг ҳаммасини тагида олам-олам маъно бор, қат-қат маззмун тахланиб ётибди. мана, ҳозирги кунгача сақланаётган, урф-одатларимизга айланиб қолган қуйидаги ҳолатга эътибор беринг.

Узоқ сафарга отланаётган жигарбандларига оналар қўш нонни тишлатиб, тишланганини едиради, қолганини авайлаб-асрайдилар, қайтиб келганидан кейин, етказгани учун тангрига ҳамду санолар айтиб, нонни эгасига едирадилар. Мазкур урф-одатимизнинг тирик шоҳиди ва иштирокчиси сифатида, шуни алоҳида қайд этиш жоизки бу ҳолат инсонга ниҳоятда ёқимли ва ширин туюлади. Ичдан баҳри дилингиз ёришиб, яқинларингиз дийдоридан завқ-шавққа тўлиб, бутун жисмингиз ловиллаб ёнади. Сизни яқинларингизга керакли эканлигингиз, улар учун бебаҳолигингизни ич-ичдан сезасиз, яшашга иштиёқ, келажакка умид, орзулар қанотланади. Сиз дунёдаги энг бахтли одамлардан эканлигингизни ҳис қиласиз. Боболаримизнинг таъкидлашича, ана шу нон ризқ эгасини кутар экан. Сафар чоғидаги хавф-хатарлардан асрар, бало-қазолардан эҳтиёт қилиб сақлар экан.

Ана кўрдингизми, азизлар, урф-одатларимизнинг асосли эканлигига битта далил. Бунда ҳам нон ҳал (этувчи) қилувчи, асосий мезон. Шунинг учун (доимо) доно халқимиз «ноннинг увоғи ҳам нон» деб, эъзозлаб кўзларига суртадилар, ушоғини ҳам улуғлаб, оёқ ости қилмайдилар.

Бунинг боиси, азалдан одамлар буғдойга бошқача қарашган. Ана шу сирлилик «Авесто»да мана-ман деб турибди. «Кимда ким буғдой экса, — деб қайд этилади мажмуада, — у ошани (ҳақиқат) экади. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантирганидек қудратли қилади». Олдинги иқтибосимизда, «буғдой динни тўйғизади» ғояси илгари сурилса, бунисида «буғдой динни қудратли қилади» деб таърифланаяпти. Ҳа, буғдой улуғланаяпти, шарафланаяпти, бу бежиз эмас, чунки у одамнинг тириклиги, яшашининг манбаи.

Аждодларимизнинг топқирлигидан лол қолиб, уларнинг ақл-фаросатига ҳамду санолар айтамиз. Ана шу улуғланаётган буғдойнинг кўпайишига асосий сабаблардан бири ердир. Ернинг ҳосилдорлигига кўп нарсалар боғлиқ, ана шуларнинг ичида шудгор қилиш биринчи ўринда туради. Донишманд халқимиз «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деганларида ҳам маъно мўл. «Авесто» ҳам шудгорлашга ниҳоятда катта эътибор берган.

«— Эй, Спийтмон Зардушт! — дейилган илоҳий китобда, — кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди: — Эй мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот! Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираяпман, сен учун ҳар турли хўрак ва мўл-кўл буғдой етиштираман».

Табаррук китобнинг, илоҳий калималарини бот-бот қайта-қайта такрорлаб, аждодларимизнинг топқирлигидан лол қолдик. Аввалига бироз эришдай туюлсада, аммо синчиклаб, диққат билан қаралса, улар ҳақ. «Чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан» жумлаларини тагида «яна ва яна», «такрор ва такрор» шаъмалари ётибди. У ёки бу ишга киришганда шаҳд билан, ғайрат билан, сидқидилдан, берилиб (иш-ғайрат билан) ишлашлик кераклиги ётибди. Чалалик, совуққонлик, нописандлик уларга бегона. «Авесто»нинг юқоридаги саҳифаларини ўқиганимизда беҳосдан халқимизнинг

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил,
Мулла бўлсанг, такрор қил,

нақли кўз ўнгимдан ўтди. Ана шу «шудгор қилиш»да сир-асрор мўл, бобокалонларимиз ҳам эсдан чиқармаган экан, эътибор беринг.

«Эй, оламни яратган зот, — дейилган табаррук манбаъда, — эй, ҳақиқат! Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган... шахс ким?

Ахура — Мазда жавоб берди:

— Заминни яхшилаб шудгор қилган... Зот!»

Шу жойда синчков ўқувчиларнинг диққатини бир нарсага қаратишга жазм этдик. Биз юқорида табаррук китобдан бир неча иқтибос олиб, ҳурматли ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдик, аксариятда «шудгор» ҳақида гап кетади. Аммо диққат билан қарасангиз, турли шаклда, ҳар хил қилиб берилган. Аммо мақсад битта: ризқ-насиба манбаи бўлиш, она заминни ҳосилдор қилиш, унумдорлигини оширишдир. Муқаддас заминга ихлос аждодларимизнинг ҳамиша диққат-марказида бўлган. Она заминга меҳр Ватан туйғуси билан уйғунлашиб юртдошларимизнинг ҳаётий мезонларига айланиб қолган. Юртидан фахрланиш боболаримиздан қолган ниҳоятда эъзозли меросдир.

Дунёда, — дедилар Йўлбошчимиз Ислом Каримов, — ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди!»

Ҳа, Юртбошимизнинг берган муносиб баҳоси жуда ҳам асослидир, чунки дунёдаги энг қадимги халқлар сирасидан ҳисобланган юртдошларимиз тарих синовларидан ўтиб, тобланиб заминнинг ҳар бир қаричининг азизлигини дилдан ҳис қилганлар, унинг бебаҳолигига тўла ишонч ҳосил бўлган. Она заминга эҳтиром, ҳурмат, эъзоз истиқлолга эришганимиздан кейин янаям тўлишиб маромига етди, чунки мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси эди.

«Ўзбекистон — дедилар давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов, — муқаддас Ватан ота-бобомиз хоки ётган ер ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради».

Дарҳақиқат, шундай, она заминга эътиқод бизнинг халқимизда жуда азалийдир, бунга «Авесто»даги муборак калималар гувоҳ. Муқаддас китобда замин илоҳийлаштирилган, унга бўлган муносабат аъло даражада бўлган. Лекин бу ишда лоқайдлик қилганлар, шудгорлашга нописандлик (қилганлар) билан қараганлар қораланган. Танқид остига олиниб лаънатланган. Ишга совуққонлик билан қараганларни аждодларимиз кечирмаганлар, уларни қаттиқ жазоларга гирифтор қилишган.

Мана эшитинг:

«— Эй, Спийтмон Зардушт! Кимда-ким заминни, — деб қайд этилган илоҳий неъматда, — чап ва ўнг қўл билан шудгор қилмаса, замин унга шундай дейди:

— Эй! Мард! Эй мени чап ва ўнг қўл билан шудгор қилмаган зот! Сен бегоналар эшиги остонасида нон истовчилар билан бирга бўлурсан. Кўзларинг йўл кўради. Улар сени эшиги остонасидан ҳайдаб юборадилар». Ҳа, дангасалар, ишёқмаслар «Авесто»да энг паст одамлар қаторида саналиб, уларни тиланчилар деб атайди. Тиланчиликдан аждодларимиз жирканган, ундан ниҳоятда нафратланиб, ҳазар қилганлар. Дарҳақиқат, ножўяликлардан, камчилик ва нуқсонлардан ҳазар қилиш ҳам ақллиликдир, фаросатлиликдир. «Авесто»да эзгуликлар улуғланади, қусурлардан нафратланади. Тарбия қомуси «Авесто» авлодларга беназир хизмат қилавераді.

Мусоқул УСМОНОВ,
профессор.

Ёзнинг иссиқ паллаларида музқаймоқ ва «Кока-Кола» ичимлиги жонга роҳат бағишлайди.

Сиз бунга нима дейсиз?

ИСМИНГИЗ СИЗГА ЙЎЛДОШ

Бир куни тасодифан бозорда бир қиз билан танишиб қолдим. Унинг тошкентлик эмаслигини тилидан билиб олиш қийин эмас эди. Ўзини қорақалпоғистонликман деб таништирган бу қиздан исмини сўраганимда, тўғриси ажабландим. У ўзини «Қалампир» деб таништирди. Мен ҳазилашяптими деб ўйлаб, «Аччиқ-чучукни ҳам яхши кўрасизми?» дедим.

У эса жиддийлашиб, гапимдан озгина ҳафа ҳам бўлиб, сумкачасидан паспортини олиб кўрсатди. Ё, ажаб, 16 ёшга энди тўлган қизнинг исми ростдан ҳам «Қалампир» экан. Тўғриси бунақанги ноқулай вазиятга камдан-кам тушаман. Ўзимга-ўзим қовушмай турганимда, Қалампир мени бу вазиятдан олиб чиқиб кетди. «Кўпчиликка исмимни айтмайман. Айтсам ҳам хаёлимга келган бошқа исмни айтаман. Лекин сизга ёлғон гапиргим келмади. Нима қилай, ота-онамнинг қўйган исми. Менга нима учун бундай исм қўйгансизлар деб негадир ҳеч сўрай олмайман. Эсимни таниганимдан бери, тўғриси уяламан исмимдан...»

Ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш учун суҳбат мавзуини буриб юбордим. Бироқ гапгапга қовушмади, ажралишдик. Ўша куни исмимиз бизга зийнат ва кўрк бағишлашини, бир умр ҳамроҳ ва йўлдош бўлишини қалбан ҳис қилдим.

Бу борада эса Ҳадиси Шарифда шундай ҳикоят бор:

«Ибн ал-Мусайяб нақл қиладиларки, оталари Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига борганларида, ул зот «Исмнг недур?» — деб сўрабдилар. Оталари: «Исмим Ҳузн (ғам)» — дебдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Сенинг исминг Саҳл (яъни, Шодмон бўлсин!)» — деб айтибдилар. Оталари: «Отам қўйган исмни ўзгартира олмасман!» — дебдилар».

Ибн ал-Мусайяб: «Шу-шу бўлди-ю бошимиздан ғам аримай қолди», — дейдилар.»

«Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни Оллоҳ таолло даргоҳидаги энг ҳунук исм — кишининг подшоҳлар подшоҳи (шаҳаншоҳ) деган исмидир!» — дейдилар».

Ҳатто исмимиз билан кимлардандир ўзимизни устун қўймоқчи бўлсак, Оллоҳ таолло даргоҳида бу исм энг ҳунук исм ҳисобланар экан. Исмлар ҳақида суҳбат мавзуининг қамрови кенгдир. Исмимиз болаликда, ёшлик даврида ва кексалик чоғида ўзимизга монанд бўлса, ярашса маъқул. Бир хиллик, баъзи бир исмларнинг ҳаддан ташқари кўп қўйилиши уларнинг кўркини бироз пасайтиргандек. Ўзбек тили — исмга бой тил. Исмларимиз орасида маъноси, жозибаси, салобати билан мафтун этадиган исмлар ниҳоятда беҳисобдир. Шуни айтиб ўтиш жоизки, исмимиз тақдиримизга маълум маънода ўз таъсирини кўрсатади. Чунки исмимиз бизга доимо йўлдош...

Раъно ЎКТАМБЕК қизи,
Журналистика мактаби тингловчиси.

Санъат

ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида таниқли рассом Раҳмон Шодиевнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмадан мўйқалам соҳибининг мустақиллик йилларида яратилган энг сара асарлари муносиб ўрин олган. Бу кўргазмага ташриф буюрган рангтасвир ихлосмандлари рассом ижоди билан танишар эканлар, жанрлар турли-туманлигига, ундаги рангларга, мазмунига алоҳида эътибор қаратилганлигига яққол гувоҳ бўлмоқдалар.

Ижодкорнинг таъкидлашича, ҳар бир яратилган асарнинг ўз ранги бўлади, ана шу рангни топа билиш рассомнинг юксак маҳоратига боғлиқ. У ижодкорнинг кўнглида, фикрида ўз мужассамини топади. Ушбу кўргазмадан ўрин олган «Куй», «Байрам», «Ёмғирдан сўнг», «Ўтганларга фотиҳа», «Менинг оилам», «Тонг» асарлари мавзулар хилма-хиллиги билан бу ерга ташриф буюрувчиларни мафтун этди.

Кўргазмадан ўрин олган рангтасвир асарлардаги фалсафа, рассом дунёқараши, хоҳиш-ирода, давр руҳи уйғунлашиб, ажойиб мажмуа намоён бўладики, буларнинг бариси инсонларнинг ҳаётга, муқаддас ва азиз она Ватанга бўлган муҳаббатини оширишга, меҳр-оқибатга, яхшиликка, эзгу ишларга ундайди.

Рассомнинг ушбу сара асарлар тўплами Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрамига муносиб совғасидир.

Юлдуз ҒИЁСОВА.

Адоқсиз у йўллар туташган,
Манзил узоқ, умр биттадир.

Солиқ тизимида

МАХФИЙ НУСХАДАГИ НАЙРАНГБОЗЛИКЛАР

Шайхонтоҳур тумани солиқчилари Нуробод кучаси бўйлаб текширув ўтказиб юришганида 3-уйдан юкхонаси ерга тегай-тегай деб бир «Жигули» автомашинаси чиқиб қолди. Солиқчилар дарҳол юки оғир машинани тўхтатишиб юкхонада нималар борлиги билан қизиқдилар.

— Юкимиз қонуний, мана қоғозлари, — деди ҳайдовчи солиқчиларга юзланар экан.

Ҳақиқатдан ҳам «Собир Рахимов савдо» масъулияти чекланган жамият томонидан берилган юк хатида машинага 154 килограмм колбаса маҳсулоти ортилганлиги кўрсатилганди. Ундай бўласа нега машина масъулияти чекланган жамият ҳовлисидан эмас, балки фуқаролар яшайдиган хонадондан чиқиб келяпти? Шу ховлида бир гап борга ўхшайди.

Солиқчилар ҳайдовчи ва холислар билан бирга 3-уй томон юрдилар. Бу ерда улар яна бир машинага дуч келдилар. «Дамас»га 105 килограмм колбаса маҳсулотлари юклаб қўйилганди.Харидор Константин Агаев эса уй эгаси Абдуғани Ҳасанов билан ҳисоб-китоб қилаётган эди.

Солиқчиларнинг шубҳаси тўғри чиқди. Ертўлада маҳфий колбаса цехи ишлаб турарди. Лекин у рўйхатдан ўтмаган, савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олмаган, санитария-эпидемиология станцияси кўригидан, ишлаётганлар эса тиббий кўрикдан ўтмаган эди.

Абдуғани бояги мижоздан 47,5 минг сўм накд пулни санаб олаётган пайтида солиқчилар суриштирувни бошладилар. Цех ичидаги пўлат сандикдан яна 38,6 минг сўм чиқди. Шу куни жами 86,1 минг сўмлик савдо қилинган экан. Текшириш жараёнида хонадон соҳиби Абдуғани Ҳасанов дўконларга тарқатиш учун гумаштаси Лутфулла Умаровга яна 154 килограмм колбасани бериб юборгани маълум бўлди. Буни пулга чақсангиз 79,6 минг сўмни ташкил этади.

Солиқчилар маҳфий цехдаги бор нарсаларнинг ҳаммасини рўйхатга олишди. Вақтинча олиб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотининг умумий нархи 290,6 минг сўмни ташкил этди. Шу ҳолат бўйича ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

А. Икромов туманидаги Боғистон кўча 14-уйда ҳам шунга ўхшаш машмашанинг гувоҳи бўлдик. Хонадон соҳиби Тоҳир Азимов уйида маҳфий қандолат цехи очиб энди яйрайман, деганида сири очилиб қолди. У 120 килограмм қандолатни 46,8 минг сўмга сотиб турган пайтида қўлга тушди. Шундан сўнг солиқчилар текширувни чуқурлаштирдилар. Маълум бўлишича қўлбола қандолат цехи ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмаган. Тушган даромад эса Тоҳирнинг киссасига кириб кетаверар экан.

Солиқчилар цехдаги барча жиҳозлар ва хом ашёларни бир-бир рўйхатга олиб чиқдилар. Ускуналар қўлда ясалган эди. Тош-тарозилар давлат стандарти кўригидан ўтмаган. Цех санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермасди.

Шу куни 1,3 тонна конфет, 4,2 тонна шакар, қандолатга ранг берувчи 8 банка бўёқ ва какао кукуни, конфетларни ўрашда ишлатиладиган 950 минг дона ёрлиқ ва бошқа ҳил жиҳозлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Бу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Сирғали туманида фош этилган маҳфий макарон цехи «ижодкорлари» ҳам ҳозир оёғи куйган товуқдек зир югуриб юришибди. Улар тумандаги 165-кўчма механизациялашган жамлама биносининг бир чеккасидан бошпана топиб берухсат макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган эди.

Бу ишга Шайхонтоҳур тумани фуқароси Шуҳрат Зокиров бош бўлди. Бекободлик М. Унгаров, А. Умрзоқов, андижонлик Т. Ўтбеков унинг пинжига кириб қўлбола цехни ишга туширишни тезлаштиришди.

Тайёрланган маҳсулот қани энди истеъмолга яраса. Цехнинг санитария ҳолати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу боисдан ҳам Сирғали тумани солиқчилари ҳужжатсиз цехни ёпиб, қонунбузар «ижодкор»лар устидан жиноий иш қўзғадилар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Бундай ҳолатларни кўриб, беихтиёр ёқа ушлаб қоласан киши. Ҳамма жойда қонун устуворлиги учун кураш кетаётган бир пайтда ноқонуний хатти-ҳаракатларга ўрин бормикан?! Қонунбузарлар ҳашпаш демай қўлга тушиб бадном бўлмоқдалар, тегишли жазоларини олмоқдалар. Шундай экан тўғри ишлаб, тўғри яшашга нима етсин!

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

Маънавият

УМРИМИЗНИНГ БЕБАҲО ОНЛАРИ

Шубҳасиз, инсонга берилган энг қимматли, энг муҳим ва ниҳоятда мукаммал неъмат, бу — унинг ҳаёти, аниқроғи, ҳаёт сармоясидир. Албатта бизнинг ҳаётимиз вақт ва замон билан ўзаро боғлиқ. Бир кунимиз, бир ҳафтамиз, ойу ўтиб бораётган йилларимиз ҳаётимизнинг ташкилий қисмлари бўлиб ҳисобланади. Чақмоқдай ўтиб бораётган вақтнинг қадри ва унинг қайтиб келмаслигини тушуниб етганлар ҳаётларини беҳуда, фойдасиз амаллардан асрайдилар, олдиларига қўйган улкан мақсадлари сари интиладилар.

Инсон ҳаётининг баракаси нима билан ўлчанади? деган сўров ҳамма жавоб бериши лозим бўлган саволлардандир. Замондошларимиз ушбу саволга турлича ёндошадилар. Жумладан: оз вақт ичида қанчалик кўп иш қила олишимиз, аниқроғи вақтимизни иложи борича кўпроқ амал билан тўлдира олишимиз, бу — ҳаётимиз баракасидир. Албатта шундай дейишимиз табиий, чунки биз ҳар доим ҳаёт саргузашти давримизда соатимизга қараб иш қилишга ўрганиб қолганмиз. Барча ишларимизни вақтимизга қараб белгилаймиз. Қисқача қилиб айтганда бир оз вақт ичида иложи борича кўп ишларимизни битиришга ҳаракат қиламиз.

Аммо, маънавий баркамол инсон ҳеч қачон ҳаёт мезонини фақатгина соат билан белгиламайди. Соат вақт кўрсатувчи, қибланома (компас) эса йўналиш кўрсатувчи механизмдир.

Аслида оз вақт ичида кўп иш амалга оширишдан тўғри ва ҳаётимизда ҳақиқатдан ҳам керакли, ҳар тарафлама фойдали ва моҳият жиҳатидан зарурий ишларни собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ қилишимиз бебаҳо сармоямиз бўлмиш умримизнинг баракаси бўлса керак. Бунинг учун фақат соатимизга қараб эмас, балки қибланомамизга ҳам назар ташлаб туришимиз керак бўлади.

Чунки соат муайян бир вақт ичида қанча иш қилишимизни белгиласа, қибланома (компас) эса қайси амални қай аҳволда қилишимизни белгилайди.

Ҳаётимиз даврида катта хатоларга йўл қўймаслик учун ҳар бир амалларимизни таҳлил қилмоғимиз ва камчиликларимиз устида жиддий ишлаб ўзимизда янги қобилиятларни ривожлантиришимиз керак бўлади.

Масалага янада чуқурроқ ёндошиш ниятида бир ғарб олими таҳлил қилган воқеани келтириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз:

«Вақт мавзусига бағишланган семинарда қатнашар эдим. Бир пайт семинар ўтказувчи шахс «Қани энди бир кичик имтиҳон ўтказсак!» деди ва стол тагидан катта бўш идиш чиқарди-да муштумдек бўлган тошларни солиб идишни тўлдирди ва биздан, яъни семинар иштирокчиларидан идиш тўлган ёки тўлмаганлигини сўради. Биз «Ҳа, идишингиз тўлди», деб жавоб қайтардик. Шунда у стол тагидан майда шағал тошларни олди-да идишдаги катта тошлар орасининг очиқ қолган жойларига бўшатди. Энди эса табассум билан «Бунга нима дейсиз, идиш энди тўлдими?» деб сўради. Биз эса бу сафар «Ҳар ҳолда ҳали тўлмаган бўлса керак», деб жавоб қайтардик. «Жуда яхши...» деди у ва стол тагидан қум тўлдирилган идишни чиқариб ҳалиги катта идишнинг яна ҳам очиқ жойларини қум билан тўлдирди. Айни саволни, яъни идиш тўлган ёки тўлмаганлигини биздан сўради. Биз эса бир овоз билан «Йўқ, ҳали тўлмади!» деб жавоб бердик. «Жуда яхши», деган ҳолда стол тагидан бир идиш сув чиқарди-да катта-кичик тош ва қум билан тўлган идиш устига қўйди. Энди семинар ўтказувчи ушбу тажрибадан қандай сабоқ олиниши мумкинлиги ҳақидаги савол билан бизга мурожаат қилди. Семинар иштирокчиларидан бири ўрнидан туриб қуйидагиларни сўзлади:

«Ҳаётимизга бир назар ташласак, бўш қолган жойлар, яъни қўлланилмаган қанчадан-қанча имкониятлар мавжуд. Агар биз яна ҳам ғайратлироқ бўлсак, бўшлиқларни тўлдиришимиз мумкин».

Шунда семинар ўтказаётган шахс «йўқ» деб давом этди: «Масаланинг асл нуқтаси шуки,агар сиз катта тошларни аввал солмаганингизда, қолган майда шағал, қум ва сувларни қўша олармидингиз?»

Ҳа, азиз дўстлар, кўпчилигимиз «Қанча кўп иш қилинса, шунча яхши» деб ҳисоблаганимиз учун ҳам оз вақт ичида кўп иш қилишга, иложи борича тезроқ бажаришга ҳаракат қиламиз ва қимматбаҳо вақтимизни шу тариқа тўлдиришга интиламиз. Ҳолбуки, агар туну кун машғул бўлаётган ишимиз ҳақиқатдан ҳам биз учун муҳим аҳамият касб этмаса, қанча ишни амалга оширмайлик бунинг нима аҳамияти бор?

Хулоса қилиб айтганда, ўша катта идишни ҳаётимиз деб фараз қилсак, ҳаётимиздан авваламбор ҳақиқатдан ҳам маъноли, ҳар тарафлама (ўзимизга ва жамиятимизга) фойдали ва бизни камолга етиштирадиган маънавий амаллар жой олиши лозимдир. Ана ўшанда турмушимизда қут-барака, моддий ва руҳий хотиржамлик ҳукм суради.

Авваламбор ўзимизга, сўнг теварак-атрофга бир қарайлик ва чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Биз нима билан машғулмиз? Кўрсатаётган фаолиятимиз келажакда қандай натижалар беради? Яшашдан мақсадимиз нимадан иборат? Ушбу саволларга тўғри жавоб топа олганлар ҳамиша тўғри йўлда бўладилар.

Биз буюк давлат қуришга ният қилдик. Тарих, бу бизнинг ибрат китобимиз ва келажагимиз зиёсидир. Бизга тарих саҳифалари шундан шаҳодат берадики: «Бизнинг диёр азалдан буюк давлат бўлиб келган». Нима учун тарихи буюк бўлган ватанимиз келажакда ҳам буюк давлат бўлмасин?

Ҳеч шубҳа йўкки, буюк келажагимизни олий ҳимматли, сабрли, ғайратли, моддий ва маънавий жиҳатдан етук наслимиз, аниқроғи, келажак меъморларимиз барпо этадилар.

Юксак маънавий салоҳиятли, маърифатли инсонлар ҳар қандай мамлакат ривожланишининг асосий негизини ташкил қилади. Шундай экан, биз ёшлар, жонажон Ватанимизнинг равнақи йўлида ўзимизда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга, миллий мафкурани ўз дунёқарашимиз асосига айлантиришга, қадимий тарихимизга, бой маданиятимизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини тарбиялашга ҳамда миллий онг ва миллий ғурурни мустаҳкамлашга, аждодларимиз меросини ўрганиб, унга муносиб ворис бўлишга интилмоғимиз даркор. Бу йўлда, биздан аввало билимга чанқоқлик, мустаҳкам шуур, мантиққа асосланган чуқур мушоҳада ва матонат талаб этилади. Зеро, миллатнинг етуклиги, шахснинг маънавий камолоти ҳамда ўз Ватанига бўлган муҳаббати, ҳурмати, самимияти, меҳр-оқибати билан белгиланади.

Дилшод ОЧИЛОВ.

Турмуш чорраҳаларида

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМА

(Бўлган воқеа)

Марҳум Носиржоннинг қирқига уч кун қолганда қайнонаси Рўзвон пошша одатдагидан баландроқ товуш билан эшикдан ауҳаннос солиб кирди.

— Вой болам. Сиз ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди, болам.

У болам сўзига негадир урғу берар, бу сўзни жарангдор қилиб айтишга уринар, шу хаёлда кўришиш учун ёнгинасига етиб келган қудаси Хосият холага ҳам эътибор бермасди. Унинг ҳозирги ҳолати ўз образига чуқур кириб бораётган артистни эслатарди.

Хосият хола тобора жазаваси тутиб бораётган қудасининг икки елкасига қўл ташлади. Кампирларнинг бир-бирига оҳангдор қийқириқ товушлари қўшилиб кафтдек ҳовлини ларзага келтирди. Тушлик уйқуга кирган тўрт яшар Ботиржон қўш бувининг уввосидан уйғониб кетди.

Қудаларнинг овози бўғилди. Йиғидан тўхтаб, бир-бирлари билан айланиб-ўргилиб кўришишди. Ботиржон югуриб келиб Рўзвон пошшанинг бўйнига осилди.

— Оҳ, обтелдингизми буви?

Кампир неварасини қучиб, чўнтакларини кавлай кетди.

Айвон тўрида келди-кетди учун тўшаб қўйилган кўрпачаларга тиз чўкишлари билан Рўзвон пошша қироат билан қуръон бошлади. Узундан узоқ ўқилган фотиҳа давомида унинг кўзлари бир неча бор ёшланди.

— Бандаликка бардош бериб ўтирибсизми, айланай қуда, — деди Рўзвон пошша кўнгил сўраган бўлиб. Кейин атрофга олазарак қараб: «Сабохон кўринмайдими?» деб қўйди.

— Ичкарида ётибди шекилли, — уйга ишора қилди Хосият хола.

— Нега ётади. Касалми?

Хосият хола ўз хаёли билан бўлиб индамади. Рўзвон пошша авжига чикди.

— Вой менгина ўлай. Ҳали бу ташвиш ҳам бормиди менга.

Рўзвон пошша бидирлаб ўзини ичкари урди. Аллавақтдан сўнг онабола уйдан бошлашиб чиқишди.

— Рангингни қара, синиқиб кетганини. Ахир ўлган одам тирилиб келмайди-ку мунча куйиб-пишмасанг. Йўқ, сени бу аҳволда ёлғиз қолдириб бўлмайди. Тағин шайтон йўлдан оздириб ўзингни... Вой юрагим яп-роқдай титраб кетди-я?

— Энди мен сизга айтсам айланай, ўлим ҳақ. Бандасига ҳаёт берган худо ундан жонни ҳам ўзи олади. Бировдан эрта, бировдан кеч олади.

Хосият қудасининг эшикдан кира солиб аюханнос солиб йиғлашидан, айланиб-ўргилишидан гап тагида ним коса борлигини сезган эди. Қудасининг сўнгги гапидан ўз фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди.

— Мақсадингизни лўнда қилиб айтиб қўяқолмайсизми қуда.

Рўзвон пошша бир зум саросимага тушиб қолди. Ўз сирини фош этиб қўяётгандек қизариб кетди. Лекин барибир сирли гап бугунми, эрта бомбадек портлашини билиб, лабини бир томон бурди-да, дастурхон учини химариб аста гап бошлади.

— Сабохон олдин келинингиз бўлса энди қизингиз. Унинг тақдири сизни ҳам қизиқтириши керак. Уввало шундай экан у ҳақда биргалашиб ўйлашимиз керак қуда. Болам энди 25 га кирди. Ҳаётда ҳали ҳеч нима кўргани йўқ. Шундай экан ўксимасин дейман-да. Иссиғида этагини ёпиб қўяқолсакми, девдим.

— Вой ўлмасам, — юзини юлди Хосият хола. — Ҳали эрини қирқи ўтмай туриб-а?

— Тўхтанг қудажон. Эркак қудангиз ҳам анойи эмас, куёвларини жондан яхши кўрардилар. Янги қудаларига ҳам «шошилманг, куёвимни қирқи ўтсин» дептилар. Энди десангиз йигит одоблигина бола экан. Катта дўконда ишларкан. Шунга...

Эшик қаттиқ очилиб ичкаридан Сабохон югуриб чиқди.

— Ойи!..

Кўчадан кириб келган отаси Каттабой акани кўриб гапини ичига ютди Сабохон. Хосият хола аламига чидаёлмай ҳўнграб юборди. Эркак қуда хурмати учун ўрнидан туролмади ҳам. Сабохон отасига аччиқ термулди. Рўзвон пошша аста ўрнидан туриб ярим товушда «келинг отаси, тинчликми», — деди. Каттабой ака вазиятга тушуниб «дарров етказдингми?» деган маънода хотинига қаради. Рўзвон пошша ёш боладек оёғидаги амиркон махсиси учида ер чизди.

Каттабой ака айвонга оғир чўкди. Сабохон ҳўнграб унга ўзини ташлади.

— Шу гаплар ростми отажон?

Каттабой ака эсанкираб қолди. Қизининг саволига тўла тушунган бўлса ҳам ўсмоқчилади.

— Қайси?

Ичдан босиб келган титроқ Сабохоннинг оғиз очишига имкон бермади. Каттабой ака вазиятни сезиб давом этди.

— Биз янглишдик қизим. Кечир бизни. Сенинг тақдирингни ўйлаб бироз шошилибмиз чоғи. Қуда сиз ҳам кечиринг. Қилмишимиз худога ҳам хуш келмади шекилли, ҳалиги куёв бўлмиш ноёб молларни чайқовчига пуллаётганда қўлга тушиб қолибди.

Рўзвон пошша бир зум саросимага тушиб қолди.

— Вой шўрим ҳали бу кўргулик ҳам бормиди менга. Вой сени туғмай ўлай, онанг ўлсин болам.

Хосият холанинг тўсатдан қироат билан қуръон бошлаб юбориши туфайли ҳамма лабини тишлаб қолди. Ҳовли саҳнида ўйнаб юрган Ботиржон секин келиб Сабохоннинг ёнига тиз чўкди.

— Опа адам тачон келадилар. Айтинг тез келсинлар мен уларни соғиниб кетдим.

Сабохон пиқиллаб йиғлаб юборди. Унга Рўзвон пошша қўшилди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Маҳалла

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейин пойтахтимизда ҳам ўз фаолиятини бошлаган «Маҳалла посбони» жамоа тузилмалари пайдо бўлди.

«Маҳалла посбонлари» тузилмаларини ташкил этишдан мақсад фуқароларнинг фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарув тизимида айрим ваколатларини бажаришга кенг йўл очиш, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда давлат идоралари билан ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлаш, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишдан иборатдир. Халқимизнинг доно бир нақли бор: «Маҳалла отанг, онанг». Зеро, шундай экан бу сўзларнинг замирида улкан маъно ётганлигини ҳар биримиз қалбдан англамоғимиз зарур. Бугунги тинч ва осойишта ҳаёт учун ҳар биримиз масъулмиз. «Маҳалла посбонлари» аҳоли жойлашувига, вазиятга қараб тузилади. Илгари шўро тузумидагидек зўрлаб ёки буйруқбозлик йўли билан тузилган дружиначилардан анча фарқи бор. Билагига қизил латта таққан дружиначиларнинг аксарияти ҳудудни яхши билишмас, хўжакўрсинга бориб келишарди. Ўзи истиқомат қиладиган ҳудудда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ёрдам бериш истаги туғилган, маънавий пок, соғлом фикрли кўнгиллилар бу жамоага аъзо бўлишлари мумкин.

Ҳамза тумани ИИБ ходимлари бошчилигида В. Сивец номидаги маҳаллада бўлиб, айнан ана шу жамоа иши билан танишдик. Маҳалла қўмитасига кўп йиллар давлат идораларида меҳнат қилган тажрибали Клара опа Мансурова раислик қилар экан. Опани биз маҳалла посбонлари ва яраштирув комиссияси вакиллари билан навбатдаги иш режаларини белгилаб туришганида учратдик.

— Маҳалла қўмитамиз ҳисобида 41 та кўп қаватли уй ва уларда истиқомат қиладиган 9 мингга яқин аҳоли бор. «Профилактика инспектори, милиция лейтенанти Раимбек Суюновнинг бир ўзи албатта шунча аҳоли устидан тўлиқ назорат олиб бориши қийин. Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кейин 10 кишидан иборат маҳалла посбонларини жамлаганмиз. Улар шу ерлик йигитлар. Маҳалланинг ҳар бир фуқаросини яхши танишади. Маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори билан ўз ишчанлик ва бошқарувчилик хусусиятлари билан ажралиб турувчи, одамларга ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган Ҳабибулла Назаровни раис этиб тайинладик. Ҳабибулла қонун-қоидаларни яхши тушунади. Кўп йиллар давомида судда маслаҳатчилик қилган. Маҳалла посбонига давлат томонидан қўмита раиси маоши даражасида мояна белгиланган.

— Кўп қадриятларимизни йўқотиш даражасига етиб келгандик. Шукрлар бўлсинким уларни яна қайтараяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Ҳабибулла Назаров. — Ўзингиз бир эсланг-а, авваллари бирон-бир кимса оилавий кирди-чиқдилари билан миршабга арз қилиб бормаган. Маҳалланинг оқсоқоллари маънавиятимиз ва маданиятимиз таянчи ҳисобланмиш оилаларнинг дарз кетишига йўл қўйишмаган. «Пода»ни бузувчиларнинг вақтида танбеҳини бериб боришган. Ҳозирга келиб эса оиладаги ўзаро жанжал борми, қўни-қўшнини койишганими, хулласи калом бирон-бир низо бўлса милицияга, аникроғи профилактика инспекторларига югуришади. Биргина бизнинг маҳалла мисолида кўрадиган бўлсак бир инспектор учун бу ишларни амалга ошириш ниҳоятда оғир. Тўғрисини айтиш лозим, ҳам жисмонан, ҳам ақлан кучи етмайди. Эндиликда шу ва шунга ўхшаш масалалар билан маҳалла қўмиталарида тузилган яраштирув комиссиялари шуғулланишади.

— Мен шу маҳаллада ёшлар билан ишлашга масъулман, — дейди Қолдибой Бозоркулов. — Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Биров ундай, биров бундай. Яқинда ёш келин-куёвлар ажралиш мақсадида маҳалладан шу манзилда яшаётганлиги учун судга маълумотнома сўраб келишди. Биз нима сабабдан ажралишмоқчисиз, деб сўраганимизда бор-йўғи 4 ой турмуш қурган ёшлар тайинли жавоб қайтаришолмади. Билдикки, низога барҳам берса бўлади, ёш оила шу тариқа бузилиб кетишдан сақлаб қолинди. Куёв бола бир-икки марта ичиб уйга кеч қайтганди. Келин шунга аразлагану тугунини туғиб, йўлга шайланган.

Маҳалла посбонлари сафига онгли равишда Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон-эътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган, юқорида айтиб ўтганимиздек тегишли маҳаллада яшайдиган 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросси қабул қилинади.

Бу жамоа аъзолари номига тузилган, қоғозда қолмоқда амалда йўқ бўлиб қолмайди. Аксинча, эндиликда уларнинг ички ишлар ходимларига кўча ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларни ичиш, гиёвандлик моддаларини истеъмол қилиш ҳолларининг олдини олишда ёрдам беради. Инсон қадр-қимматини таҳқирлаб, кўчаларда маст ҳолда юрувчи шахсларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида уларни оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилади. Бу ишлар бизнинг халқимиз учун янгилик эмас. Юртбошимиз ташаббуси билан унутилаётган қадриятларимизни яна тиклаётмиз. Ишончимиз комилки, қилинаётган ҳар бир ишимиз эрта-индин ўзининг ижобий натижаларини беради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, маҳалла ҳудудида жойлашган давлат идоралари ва жамоат уюшмалари, барча ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар, маҳаллада истиқомат қилувчи барча фуқаролар ушбу ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда посбонларга кўмак беришлари лозим.

— Бирон бир натижа ҳам борми? — сўраймиз Ҳабибулла Назаровдан.

Йигитларимиз профилактика инспектори билан кўчада айланиб юрганлигининг ўзи катта ютуғимиз. Ҳар қалай ичиб маст бўлиб кўчада юрадиганлар аввалгидан камайди. Воқеа содир бўлган жойларга биргаликда чиқамиз. Бундан ташқари бизнинг вазифамизга миллий қадриятларимизга зид равишда одоб-ахлоқ доирасида ножўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни аниқлаш, жанжалкаш оилалардаги муҳитни ўрганиш, маҳалладаги руҳий муҳитни шакллантириш, ёш фарзандларни тарбиялашдек муҳим ишларни олиб бориш ҳам кираги.

— Иш давомида бирон бир имтиёз кўзда тутилганми?

Клара опа ҳам, бошқалар ҳам менга бир хил жавоб қайтаришди.

— Юрт тинчлиги энг яхши имтиёз.

Биз Сизга атайлаб қилинган ишлар бўйича рақамларни келтирмадик. Асосийси бу эмас. Жойларда маҳалла посбонлари иш бошлашди. Демак, бу ҳам осойишталик йўлида қўйилган яна бир қадам. Ана шу қадам қутлуғ ва собитлилиги рост бўлсин.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Болалар ёзги таътилни мириқиб ҳордиқ чиқариш билан кўнгилдагидек ўтказмоқдалар. Буни улар юзида акс этган табассумдан ҳам билиш мумкин.

Спорт

ЮРТГА СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР КЕРАК

Шаҳримизнинг Бектемир туманида турли маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда кўпгина спорт мусобақалари ҳам тез-тез ўтказилиб турилади.

Яқинда туманнинг спорт ўйинлари «Камолот» кубоги учун 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда тумандаги бир нечта маҳалла ёшлари куч синашди. Қизғин беллашувлардан сўнг финалда «Зилола» маҳалла ёшлари биринчи ўринни эгаллаб шаҳар босқичига йўлланма олишди.

Шунингдек, аёллар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда юқори ўринни «Истиқлол» маҳалла жамоаси эгаллади.

Мусобақа якунида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Очил ХАЗРАТОВ.

Футбол

МУАММО ВА ЮТУҚЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Кейинги пайтларда республикамиз футболида маълум ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам вужудга келди. Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти ва спорт журналистлари иштирокидаги очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши, миллий футбол чемпионатининг биринчи давра якунлари, терма жамоалардаги аҳвол ва олдимизда турган вазифалар хусусида бўлди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг 22 бандидан 17 таси тўлиқ бажарилди, учтаси бўйича фаолият олиб борилмоқда, — деди жумладан Ўзбекистон футбол федерациясининг бош котиби Зокиржон Қурбонов. — Шунингдек, олий лига чемпионатининг савияси ҳам бирмунча ошди. Ҳозир олий лигадаги ҳар бир ўйинга ўрта ҳисобда 10,5 мингтадан мухлис тушмоқда, бу эса Россия чемпионатидан ҳам юқори кўрсаткичдир. Қарор чиққанидан сўнг жисмоний тарбия жамоалари, футболчилар сони ўсди, 14 та вилоят марказида спорт-интернатлари очилди. Тўғри, терма жамоаларимизни ҳар хил нуфузли мусобақаларга тайёрлашда хатоларга ҳам йўл қўйдик, бироқ ҳозир эртанги кунни ўйлаган ҳолда миллий, олимпия ва ёшлар терма жамоаларимизни ёшартириш йўлидан бормоқдамиз. Ўйлайманки, бу келажакда ўз мевасини беради.

Сўнг З. Курбонов, футбол федерациясининг масъул ходимларидан Ш. Усмонов, М. Ҳошимов, В. Тихонов ва бошқалар том маънодаги профессионал клубларни вужудга келтириш, мураббийларнинг чет элларда малакасини ошириш, «Пахтакор» жамоаси авиаҳалокатининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказиш, жамоалар мураббийлари таркибидаги ўзгаришлар хусусида журналистлар берган саволларга батафсил жавоблар қайтардилар.

Мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлидаги бундай ошкора мулоқотлар ўйлаймизки, футболимиз ривожига маълум маънода ўзининг ҳиссасини қўшади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ЁЗ – 1999

ҚУЁШ НУРЛАРИГА ТЎЛА

Исроилнинг энг жанубий нуқтасида жойлашган Эйлат курорти саёҳатчи кўзи олдида тўсатдан кутилмаганда пайдо бўлади.

Ҳозиргина жунабий Негев тепалиги ва Арава чўлида қизил, кулранг, сариқ ва оқ рангларга кўмилган чўққилар, тоғлар ва қум орасида бораётган эдингиз, бирдан Қизил денгиз олдида Эйлат кўрфазида пайдо бўлиб қолдингиз. Қиролича Савская қирол Сулаймон олдига тарихий ташрифи чоғида кемаларда шу ерга келган эди. Ҳозир эса бу жой иссиқ куёшни хуш кўрадиганлар, сув остида сузишни хоҳловчилар ва чўл ишқибозларини жалб қилмоқда. Эйлат беташвиш, олий даражада дам олишни таклиф этади. Эйлатда ташқи дунёнинг мавжудлигини ёддан чиқариш оддий ҳол. Кўрфаз бўйича саёҳатга чиқинг. Акваланг билан шўнғишни ўрганиб олинг ёки жаҳоннинг энг гўзал Коралл рифларидан бирида трубка ва ниқоб билан сузиб саёҳат қилсангиз бу жойларни бутун умр ёдда сақлайсиз. Сув чанғилари, гилссер ёки тезюрар катерда сузиб кўринг. Сувости обсерваториясига бориб, сувости гўзалликларидан баҳраманд бўлинг. Махсус сувости кемасида океан остига саёҳат қилиш ҳам мумкин. Халқаро орнитология марказида бўлинг. Жипларда Эйлат тоғлари бўйича сафарга жўнанг.

Арава чўлининг қумли йўллари бўйлаб саёҳат қилинг. Иссиқ куёшда дам олинг. Тунни дискотекада рақсга тушиб ёки ой нурида рақс билан денгиз саёҳатида ўтказишингиз мумкин. Турли таомлардан еб кўринг. Машҳур Эйлат тошидан ясалган буюмларни харид қилинг. «Гимнлар» табиий қўриқхонасида қирол Сулаймоннинг конлари геологик гўзалликларидан баҳраманд бўлинг. Жаҳондаги ягона Инжил ёввойи файнуси боғига ташриф буюринг. Эйлат сизга Исроилнинг энг яхши курорт отеллари ҳамда исталган кармонга мос келадиган бошқа имкониятларни таклиф этади. Аммо қаерда бўлманг, ҳар кунги ташвишлардан ҳоли ҳақиқий дам олиш учун барча шарт-шароитнинг яратилиши кафолатланади.

Ажойиботлар

ШИФОКОР МУШУК

Англиянинг Ипсвич шаҳридаги Кларкларнинг оиласи бундан бир неча ой аввал рўй берган автомобиль ҳалокати оқибатида жабр кўрди — катталар енгил жароҳатланиб, уч яшар Бетси эса ҳушини йўқотиб даражасига етиб келгандик. Шукрлар бўлсинким уларни яна қайтараяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Ҳабибулла Назаров. — Ўзингиз бир эсланг-а, авваллари бирон-бир кимса оилавий кирди-чиқдилари билан миршабга арз қилиб бормаган. Маҳалланинг оқсоқоллари маънавиятимиз ва маданиятимиз таянчи ҳисобланмиш оилаларнинг дарз кетишига йўл қўйишмаган. «Пода»ни бузувчиларнинг вақтида танбеҳини бериб боришган. Ҳозирга келиб эса оиладаги ўзаро жанжал борми, қўни-қўшнини койишганими, хулласи калом бирон-бир низо бўлса милицияга, аникроғи профилактика инспекторларига югуришади. Биргина бизнинг маҳалла мисолида кўрадиган бўлсак бир инспектор учун бу ишларни амалга ошириш ниҳоятда оғир. Тўғрисини айтиш лозим, ҳам жисмонан, ҳам ақлан кучи етмайди. Эндиликда шу ва шунга ўхшаш масалалар билан маҳалла қўмиталарида тузилган яраштирув комиссиялари шуғулланишади.

— Мен шу маҳаллада ёшлар билан ишлашга масъулман, — дейди Қолдибой Бозоркулов. — Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Биров ундай, биров бундай. Яқинда ёш келин-куёвлар ажралиш мақсадида маҳалладан шу манзилда яшаётганлиги учун судга маълумотнома сўраб келишди. Биз нима сабабдан ажралишмоқчисиз, деб сўраганимизда бор-йўғи 4 ой турмуш қурган ёшлар тайинли жавоб қайтаришолмади. Билдикки, низога барҳам берса бўлади, ёш оила шу тариқа бузилиб кетишдан сақлаб қолинди. Куёв бола бир-икки марта ичиб уйга кеч қайтганди. Келин шунга аразлагану тугунини туғиб, йўлга шайланган.

Маҳалла посбонлари сафига онгли равишда Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон-эътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, жиноятчиликкорлар ҳам ҳангу манг бўлишади. Сабаби, қизнинг барча аъзоларидан жон кетиб, у зўрга нафас оларди-да. Мушук эса ҳамон ўзининг ҳаракатларини давом эттирарди. Чамаси, у бу ерга нима мақсадда келганини яхши билса керак! Тағин икки ҳафта ўтгандан кейин Бетси ўрнидан туриб, оёқларини босиб юрадиган ҳолга келади. Мана шу кундан бошлаб башоратчи-шифокор мушук ҳам Бетси ётган хонада қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай ҳеч кимга сездирмасдан ғойиб бўлади. Шу воқеаларни эълон қилган инглиз «Гардиан» газетаси: «Бетси бошидан кечирган воқеа қанчалик оғир бўлмасин, лекин у ҳақиқат. Шунинг учун азиз муштарийлар, мушукларга ғамхўр бўлайлик, ранжитмайлик», — деган хулосага келади.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

БОҒБОНЛАР, ГУЛЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

29 август куни Тошкент шаҳрининг Сайилгоҳ кўчасида «Гуллар байрами» ўтказилади. Бунда Сиз ўз гулларингиз, композицияларингиз, декоратив ўсимликларингизни намойиш этишингиз, сотишингиз, етказиб бериш учун фирмалар ва ташкилотлар билан узоқ ва яқин муддатли манфаатли шартномалар тузишингиз мумкин. Энг яхши қатнашчиларни қимматбаҳо мукофотлар кутади. «Гуллар байрами»да қатнашиш учун ариза беришга шошилинг! «Гуллар байрами»га ҳомийларни таклиф қиламиз.

Манзилимиз: Тошкент, Себзор, 45-уй, 32-хона, Тел.: 144-56-93.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0628. Босмага топшириш вақти 11.30 123456

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 90 (9.282) 1999 йил 4 август, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Абдуллаев Дўстмурод — Пахтачи тумани Р.Маханов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Абдураҳимов Абдували — Чортоқ тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Аламатов Атахон — Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Раҳмонов Ғайбулло — Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.



Абдуллаев Дўстмурод



Абдураҳимов Абдували



Аламатов Атахон

Раҳмонов Ғайбулло

Саноат

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Пойтахтимиздаги «Ғалла алтег» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга интилмоқдалар. Корхонада мамлакатимизда етиштирилган ғалла ҳосилидан сифатли олий навли ун тайёрланмоқда.

Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларда кунига 340 тоннага яқин ун тайёрланиб аҳолига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари магги ёрмаси ҳамда 3 турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада бежирим қадоқланган ун ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Ўтган ойда 2 килограммдан қадоқланган чиройли қоғоз қутиларида 228 тонна ун етказиб беришга муваффақ бўлинди.

Дилноза ҒИЁСОВА.

Тадбиркорлик

БУЮРТМА ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛАДИ

Пойтахтимизда бунёдкорлик ишлари кундан кунга авж олиб бораётган бир пайтда қурилиш ташкилотларига хом ашё тайёрлаб берувчи жамоаларнинг ҳам бу борадаги улушлари каттадир. Айниқса, кичик ва хусусий корхоналар ҳам бу соҳада тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Хабар-Паркет» хусусий корхонасида тайёрланаётган қурилиш материаллари ҳам ўзининг сифати билан ажралиб туради. Ёғочни қайта ишлашга ихтисослашган бу жамоада шитли бадиий паркет, плинтус, штапиклар ва турли фигурадаги рейкалар тайёрланмоқда.

Ҳозирда 27 нафар малакали ходимлар меҳнат қилаётган хусусий корхонага ишбилармон Николай Хабаров раҳбарлик қилмоқда.

— Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг кераклилигига ва сифатига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Николай Хабаров. — Шу боис ҳам изланиш билан ишлаймиз. Буюртмаларни эса вақтида бажаришга эришмоқдамиз. Республикамизга хориждан келтириладиган қурилиш материалларини камайтириб, ўзимизда арзон ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришамиз.

Дилфуза ҒОФУРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилувчи ва хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Отчопар буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг иш тажрибаси Ўзбекистон Республикасининг бошқа чакана бозорларига ҳам татбиқ этилсин.

2. Белгиланснки, 1999 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида ва 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жисмоний шахслар юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти тартибида истеъмол товарлари сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун чакана бозорлар, савдо марказлари ва савдо комплекслари ҳудудига тадбиркорда туман /шаҳар/ ҳокимлиги томонидан берилган ҳамда даромаддан олинадиган солиқ тўланганлиги тўғрисида солиқ инспекциясининг белгиси қўйилган гувоҳнома мавжуд бўлган ҳолдагина қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чакана бозорлар, савдо марказлари ва савдо комплексларида /кейинги ўринларда бозорлар деб аталади/ жисмоний шахслар томонидан чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш тартиби тасдиқлансин.

Ушбу Тартиб деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

4. Белгиланснки:

бозорлар ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олган ва юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш дафтарини юритишдан озод қилинадилар ва мазкур қарор билан белгиланган тартибга мувофиқ қайд этилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар;

бозорлар ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилаётган жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг қайд қилинган ставкаси озиқ-овқат товарлари учун - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўттиз бараваригачани, ноозиқ-овқат товарлари учун - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан йигирма бараваригачани ва хизматлар кўрсатувчилар учун - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўн бараваригачани ташкил этади. Бир жисмоний шахс бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилган тақдирда солиқ озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун белгиланган миқдордан келиб чиқиб белгиланади;

бозорларда жой бериш, савдо жойи ижарага олинганлиги учун тўлов ундириш ва савдо жойи ижарага олинганлиги учун талонлар бериш чакана бозорлар дирекциялари томонидан фақат чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва ундаги даромаддан олинадиган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи солиқ органларининг белгиси асосида амалга оширилади. Чакана бозорлар раҳбарлари мазкур талаб бажарилишини таъминлаш учун шахсан жавоб берадилар;

бозорларда чакана савдо фаолиятини амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни хоҳловчи жисмоний шахслар тегишли солиқларни ва савдо жойи учун ижара ҳақини камида бир ой муддатга олдиндан тўлашлари керак;

чакана бозорлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий молия ва солиқ органлари билан биргаликда:

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини олган жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг қайд қилинган ставкалари миқдорларини ҳар бир аниқ чакана бозорда улар жойлашган жойни ва савдо оборотига таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур қарор билан белгиланган кўрсаткичлар доирасида ҳар йили белгиласинлар;

янги тартиб жорий этилгунга қадар чакана бозорлар ҳудудида савдо фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи жисмоний шахслар ўртасида зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини ташкил этсинлар ва ўтказсинлар;

заруратга кўра умумий фойдаланишдаги турғун савдо павильонлари принципи бўйича озиқ-овқат товарларини сотишга ихтисослаштирилган озиқ-овқат бозорлари ва савдо марказлари ташкил этсинлар, уларда товарларни жойлаштириш учун улгуржи базалар, мева-сабзавот комбинатлари, бозорлар ва бошқа мавжуд иншоотларнинг бўш турган майдонлари ва қувватларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратсинлар.

6. Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни ва чакана бозорлар ҳудудида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни ўз вақтида тайёрлаш ва беришни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси чакана бозорлар ҳудудида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан бюджетга солиқлар ўз вақтида тушиши устидан самарали назоратни таъминлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини кўрсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М.Усмонов ва Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 август.

ШАҲАР ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Маълумки, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида республикамиз Президенти Ислом Каримов мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ва бу соҳадаги долзарб вазифалар ҳақида чуқур мазмунли маъруза қилган эдилар. Президентимизнинг ана шу маърузаларидан ва йиғилиш қароридан келиб чиқадиган вазифалар вилоят ва шаҳар ҳокимликларида, меҳнат жамоаларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида 1999 йил биринчи ярмида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган шаҳар фаолларининг ана шундай йиғилиши бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокими К. Тўлаганов олиб борди.

Йиғилишда пойтахт ҳокими К. Тўлагановнинг «Тошкент шаҳрини ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг 1999 йил биринчи ярми якунлари тўғрисида»га маърузаси кенг муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларини изчил ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилди, деб таъкидлади маърузачи. Саноатда ўсиш суръати 3,2 фоизни ташкил этди. Олти ойда 75 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръатлари, айниқса, матбаачилик, кимё ва нефт кимёси, ёғочга ишлов бериш, целлюлоза-қоғоз саноати тармоқларида энг юқори бўлди. Йилнинг биринчи ярмида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 55,3 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 22,2 минг квадрат метр уй-жой, 844 ўринли мактаб, 480 ўринли болалар боғчалари бунёд этилди, 20 километр узунликдаги водопровод, 10,4 километр узунликда канализация, 800 километр узунликда газ, 1,2 километр узунликда иссиқлик қувурлари фойдаланишга топширилди.

«Тошкент — Шеротам» халқаро тоифадаги меҳмонхона қуриб битказилди, сантехника қурилмалари ишлаб чиқариладиган «Ўзсматана» қўшма корхонаси яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади.

Эришилган макроиқтисодий барқарорлик кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини изчил амалга ошириш имкониятини берди. Жумладан, шаҳар бўйича олти ой мобайнида маҳалла қўмиталари томонидан салкам 21 минг кам таъминланган оилаларга 134 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2 ёшгача бўлган болалар нафақаси бўйича эса 170,7 миллион сўм тўланди. Шунингдек, кўп болали оилаларга 443,5 миллион сўм нафақа берилди. Йил бошидан 2785 та янги иш жойи яратилди.

Шаҳарда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёни аста-секин олиб борилмоқда. Хусусий клиникалар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда шаҳарда давлат мулкига тегишли бўлмаган 271 та амбулатория-поликлиника, 21 та стоматология поликлиникаси, 11 хўжалик ҳисобидаги даволаш муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда, ҳисобот даврида маҳсулотлар асосий турларини ҳамда халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилганлиги таъкидланди. Ҳанузгача кўпчилик корхоналар томонидан маркетинг иши амалга оширилмаётганлиги, улар рақобатга бардош беролмайдиган, нафақат ташқи, ҳатто ички бозорда ҳам талабга эга бўлмаган маҳсулотларни чиқаришда давом этаётганликлари таассуф билан қайд этилди. Бунинг оқибатида шу йилнинг июль ойи бошига келиб, корхоналар омборидаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи 16,5 миллиард сўмликдан ортиб кетди. Шу йилнинг беш ойлик ҳисоботлари бўйича шаҳардаги 27 корхона салкам 1,9 миллиард сўмлик зарар кўрди.

Давлат мулкини хусусийлаштириш дастурини амалга оширишдаги аҳвол ҳам қаноатланарли эмас. Бугунги кунда шаҳарда 771 та акциядорлик жамияти рўйхатга олинган. Лекин уларнинг кўпчилиги ўз акцияларини фонд бозорида сотишга қўймаганлар. Акциядорлик жамиятларида корхонани ривожлантиришга маблағ ажратмаслик, дивидендларни нотўғри тақсимлаш, қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш тартиби ва муомаласини бузиш ҳоллари давом этмоқда. Маърузачи шунингдек, банкротлик ва санация муаммолари бўйича ишларни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда тўлов ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш, дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шу йилнинг 1 июнига қадар шаҳар корхоналарининг дебитор қарзлари 164 миллиард сўмдан ошиб кетган. Муддати ўтиб кетган дебитор қарзлар ҳажми 51,7 миллиард сўмга етган. Бу умумий дебитор қарзларининг учдан бир қисмини ташкил этади. Кредитор қарзлар шу даврда 171,6 миллиард сўмликка етиб, бунинг 57,2 миллиард сўмини муддати ўтган кредитор қарзлар ташкил этади. Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебитор, кредитор қарзларини кескин камайтириш ва умуман йўқотиш учун қатъий чора-тадбирлар кўриш даркор.

Кичик ва ўрта бизнес соҳаларида аҳвол ҳамон қониқарсиз қолиб келаётгани таъкидлаб ўтилди. Шу йил 1 июлга қадар шаҳарда 27177 кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинди. Лекин уларнинг 10264 таси ёки 40 фоизга яқини фаолият кўрсатмаяпти. Бу, тадбиркорлар моддий заҳираларга, маҳсулотни сотиш бозорларига етиб бора олмаётганидан далолат беради.

Пойтахт қурилиш мажмуидаги аҳвол алоҳида таҳлил қилинди. Корхоналар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобига капитал маблағлар миқдорининг пасайиши, қурилиш индустрияси қувватларидан самарасиз фойдаланиш, пудрат ишларининг шаклланган бозори йўқлиги фактлари алоҳида қайд этиб ўтилди. Айни пайтда шу йилнинг 1 сентябригача 2000 йил учун қурилишнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Маърузачи Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда эришилган муваффақиятларга алоҳида тўхталди, таъмирланаётган ҳамда қурилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бўйича мисоллар келтирди, ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йил учун кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур режаларини амалга оширишга киришиш зарурлигини таъкидлади.

Музокараларда сўзга чиққан Юнусобод тумани марказий поликлиникасининг мудираси Моҳиба Обидова соғлиқни сақлаш тизимида давлат дастурини амалга ошириш муаммоларига тўхталди. Миробод туман коммунал-эксплуатация бошқармаси бошлиғи Александр Оқмуродов коммунал хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш йўллари ҳақида гапирди, тўлов интизомини тубдан яхшилаш имконини берувчи фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларидаги ширкатлар ҳақида ўз мулоҳазасини билдирди.

Шунингдек, музокараларда сўзга чиққан бир қатор ташкилотларнинг раҳбарлари ўз соҳаларидаги ижобий силжишларни қайд этиш билан бирга, белгиланган ислоҳотларни изчил амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ва камчиликларга тўхталдилар, жойларда аҳволни яхшилаш бўйича ўзларининг конкрет таклифларини билдирдилар.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шаҳар фаоллари йиғилишида республика Бош вазирининг ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов қатнашди ва сўзга чикди.

Буюк Истиқлолимизнинг қутлуғ байрами нишонланадиган кунга ҳам оз фурсат қолди. Ушбу тантанага пойтахтимиздан кўплаб жамоалар ўз совғаларини ҳозирламоқдалар. Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган «Суфра» Ўзбекистон

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

— Америка қўшма корхонаси ҳам байрам дастурхонини ўзининг янги маҳсулотлари билан безаш ниятида.

Айни кунларда ушбу корхонада чет эл технологияси асосида 22 хил турдаги қадоқланган печеньелар ҳамда мармеладлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар ниҳоятда бежирим қилиб турли граммларда аҳоли эҳтиёжига яраша қадоқланмоқда. Шу билан бирга жамоа тадбиркорлари байрам арафасида болажонларимизга атаб турли шаклдаги печеньелар чиқариб, уни аҳоли дастурхонига тортиқ этиш ниятидалар.

Шу куннинг мавзуида

ҲУҚУҚНИ БИЛИШ БИЛАН БУРЧИМИЗНИ ҲАМ УНУТМАЙЛИК

«Ўз уйинг — ўлан тўшагинг», дейди халқимиз. Мулк сифатида ўз шахсий уйига эга бўлиш энг улуғ неъматлардан бири ҳисобланиб келгани бежиз эмас. Истиқлолимиз кўпгина фуқароларимизга шу бахтни ҳам ато этди. Неча-неча авлодлари бир парча ерни орзу қилиб ўтган серфарзанд ўзбек оилалари ниҳоят ўз ерлари, ҳовли-жойлари, томорқаларига эга бўлдилар. Шу мақсад учун давлатимиз юз минглаб гектар ерларни аҳолига бўлиб берди.

Шаҳарларда ўтказилган хусусийлаштириш жараёнида эса, аҳолининг аксарият кўпчилиги ўз уйи, кўп қаватли уйлардаги хонадонига эгалик ҳуқуқини қўлга киритди. Шу тариқа турар жойлар ўз ихтиёрларига ўтиши билан боғлиқ ҳолда улар муайян ҳуқуқларга эга бўлишди. Албатта, ҳар қандай маърифий мамлакатда ҳуқуқлар билан бирга бурч масъулияти ҳам мавжуд бўлади. Бусиз мумкин эмас.

— Турар жойлар эгаларининг муҳим бурчларидан бири — коммунал хизматлар ва уй-жойлардан фойдаланиш харажатларини ўз вақтида тўлаб боришдан иборат, — дейди Тошкент ҳудудий турар жойлар бирлашмаси директорининг ўринбосари В. Каримжонов. — Сув, газ, электр нури ҳам ўз қийматига эга бўлган товарлардир. Худди шундай ахлатни олиб чиқиб кетиш, умумфойдаланишдаги жойлар, муҳандислик коммуникациялари таъмири ҳам текинга тушмайди. Шаҳримизнинг кўпчилик аҳолиси буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам ҳар ойда тўлов пулларининг 86-90 фоизи келиб тушади. Лекин вақтида тўланмаган маблағлар оз-оздан тўпланиб, тез орада катта-катта қарзларга айланиб кетади. Масалан, шу йилнинг 1 июлигача квартира ҳақлари бўйича пойтахтликларнинг умумий қарзлари 850 миллион 328 минг сўмни ташкил этган. Бунинг ҳисобига биз коммунал хизмат кўрсатувчиларга 465 миллион 208 минг сўм пулни вақтида ўтказиб беролмадик. Қолган маблағ (385 миллион сўмдан ортиқ пул) турли ашёлар сотиб олиш ҳамда турар жой фондини жорий таъмирлаш ишларини амалга оширишга сарфланиши мўлжалланганди. Қанчадан-қанча материалларни ололмай қолганимиз, қанчалаб таъмирлаш бригадаларига меҳнат ҳақларини тўлай олмаганимизнинг фаҳмига етиш унчалик қийин эмас.

Шуни айтиш жоизки, баъзи ҳолларда қарзлар миқдори одамни ҳайратга солади. Чунончи, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 3-даҳа 22-уй, 34-хонадонда яшовчи Қодиров 60 минг 273 сўм қарзини тўламаган. Шу мавзедаги 2-даҳа 6-уй, 21-хонадонда истиқомат қилувчи Умаров 59880 сўм, Акмал Икромов туманидаги 25-даҳа 41-уй, 28-хонадон эгаси Эшонхўжаев 44969 сўм, Себзор даҳа 29-уй, 22-хонадон соҳиби Иброҳимов 55692 сўм, Водник мавзеси, 26"а» уй, 10-хонадонда яшовчи Кенжабоев 50162 сўм қарз бўлиб қолишган. Сирғали туманида яшовчи бир қанча хонадон эгалари айниқса катта миқдорда қарздор бўлиб қолишгани ачинарли ҳолдир: Дўстлик-2 мавзеси, 89-уй, 64-хонадондан Раҳимовнинг қарзи 77174 сўмни, унинг 81-хонадонда яшовчи қўшниси Бобожоновнинг қарзи 78800 сўмни ташкил этади. 80249 сўм миқдорида қарз бўлиб қолган Алимуродов (Дўстлик-2, 13-уй, 50-хонадон) ҳамда 68158 сўм миқдорида қарзлари тўпланиб қолган Норбекова (Дўстлик-2, 30-уй, 13-хонадон)лар ҳам улардан қолишмайди.

Юнусобод туманининг айрим хонадон соҳиблари ҳам ўзига хос «ўрнак» кўрсатишаяпти: 19-даҳа 22-уй, 31-хонадонда яшовчи Аҳмаджонова 60229 сўм, шу даҳадаги 5-уй, 30-хонадонда истиқомат қилувчи Кўчқорова 55513 сўм, унинг 87-хонадондаги қўшниси Пўлатова 55074 сўм қарз бўлиб қолишган.

Ушбу рўйхатни узундан-узун давом эттириш мумкин. Лекин бунинг қанчалик нафи бўларкин?

Зеро, қарздорлар рўйхатига тушиб қолганлар шахсига бир эътибор беринг-а. Одатда уларнинг кўпчилиги жуда ҳам ночор-камбағал одамлар эмас эканлигини пайқаб оласиз. Уларнинг фикрларига кўра, гўё тўламаслик мумкин бўлган нарсаларга ортиқча сарф-харажат қилишнинг сира ҳожати йўқ. Ахир газ, сув, электр энергияси бугун ҳам, эртага ҳам — ҳамиша ҳам бор нарсалар-ку, деб ўйлашади улар. Бундай хонадон соҳибларига нисбатан коммунал эксплуатация бошқармалари эндиликда кескинроқ чора кўришга мажбур бўлишяпти — улар устидан материалларни суд органларига жўнатишаяпти. Жумладан, июлнинг сўнгги ўн кунлигида қарздорлик бўйича умумий ҳажми 54,4 миллион сўмлик 2206 иш туман судларига қараб чиқиш учун юборилган. Улардан Собир Раҳимов тумани бўйича 226 иш, Сирғали тумани бўйича — 912, Ҳамза тумани бўйича — 199, Шайхонтоҳур тумани бўйича 169 иш ҳамда Акмал Икромов, Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Миробод, Бектемир туманларининг ҳар биридан — 100 иш судга оширилган.

Қарзларнинг вақтида тўланмаслигига сабаб бўлаётган ва Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги сўнгги йиғилишда таъкидлаб ўтган коммунал хизматдаги камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Чунончи, коммунал эксплуатация ташкилотларига Чилонзор тумани аҳолисидан кўплаб шикоятлар тушаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу ерда кўплаб уйлар таъмир талаб. Коммунал хизматлар кўрсатиш, таъмирлаш ишлари сифати эса талабга жавоб бермайди. Айни пайтда бир ҳақиқатни ҳам таъкидлаш жоизки, катта миқёсларда таъмирлаш ишлари олиб бориш учун маблағлар ҳам етишмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а: мазкур туман бўйича қарздорлик даражаси 110 миллион 371 минг сўмдан ошиб кетган. Ашаддий қарздорлардан Проданова (Алгоритм, Г-35, 10-уй, 9-хонадон) 63699 сўм, Хабибуллин (Алгоритм, Г-35, 13-уй, 38-хонадон) ва Нишонбоева (Алгоритм, Г-35, 14-уй, 27-хонадон) ларнинг ҳар бири 63602 сўмдан тўлов пулларини вақтида узмай келишяпти. 96926 сўм миқдорида қарз бўлиб қолган Юнусов номини Гиннеснинг рекордлар китобига бемалол киритиш мумкин бўлурди.

— Коммунал хизматлар учун тўловлар юз фоиз тўланадиган бўлса — бизнинг ҳисоб рақамимизга шу маблағнинг муайян қисми келиб тушади, — деб ҳикоя қилади Чилонзор туманидан маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Султонов. — Биз эса, бу маблағни кам таъминланган оилаларга, ёлғиз қолган қарияларга ёрдам учун фойдаланиш имконига эга бўламиз. Шунинг учун ҳам биз бу ишга барча уй қўмиталари фаолларини сафарбар этганмиз. 1-даҳа 57-уйда яшовчилар бу борада ташаббус билан чиқишди. Улар ўз уйларида бironта ҳам қарздор хонадон бўлмаслиги учун курашишга қарор қилишди.

Ҳа, умуман шаҳримизда бironта ҳам қарздор хонадон бўлмаслиги керак. Зеро, тўпланган маблағлар ҳеч қаерга кетмай, яна ўз эҳтиёжларимизга сарфланади.

Республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги мажлисида айнан шу масалага эътиборни жалб этган эдилар. Ўйлаймизки, пойтахтимиз жамоатчилиги, аҳолининг кенг табақалари коммунал хизматлар соҳасида юзага келган муаммоларни бартараф этишда ҳам ҳар қачонгидек ташаббускор бўладилар.

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

Мана, мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйи ҳам файзу тароват билан тобора яқинлашиб келмоқда. Биз хайрли анъанамизга кўра байрам арафасида истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган ишлар, янгиланишлар хусусида шаҳримиз туманлари ҳокимлари билан суҳбатлар уюштирямиз.

Яккасарой ҳудуди ва аҳолисининг сони жиҳатидан шаҳримизнинг энг кичик туманларидан бири бўлса-да унинг ҳаётига чуқурроқ назар ташласак, Мустақиллик йилларида туманда бошқа соҳалар билан бирга жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўламиз. Туман ҳокими Алишер Мирқосимов билан бўлган суҳбатимиз шу мавзуга қаратилди.

Арафа

БАЙРАМНИ ҲАР БИР СОҲАДА МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

— Дарҳақиқат, Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб барча соҳалар қатори туманимизда жисмоний тарбия ва спортга ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда, — дейди Алишер Муҳамедович бизга. — Кейинги пайтларда тумандан кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионлари Олмос Юсупов ва Акмал Зокиров, уч карра жаҳон чемпиони Эркин Қуттибоев, XIII Осиё ўйинлари ғолиби Камолиддин Юсупов, муай-тай бўйича Осиё чемпиони Саъдулла Исматуллаевлар етишиб чиқди. Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги эркаклар волейбол жамоаси эса республика чемпионатида олий лига жамоалари ўртасида совринли ўринларни эгаллаб келяпти. Жаҳоннинг энг баланд нуқтаси — Эверест чўққисини забт этган яккасаройликлар — Андрей Фёдоров ва Марат Усаевлар эса туманнинг фахри ҳисобланади. «Шуҳрат» медали соҳиблари, халқаро тоифадаги спорт усталари бўлмиш бу икки жасур альпинист ҳозирда терма жамоа таркибида Ҳимолай тоғларининг 7710 метр баландликдаги Жану чўққисини забт этиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

— Алишер Муҳамедович, туманда оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришда спорт иншоотларини бунёд этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Энг асосий ютуғимиз «Тўқимачи» ўйингоҳини тўла таъмирдан чиқарганимиз бўлди. Ўйингоҳни реконструкция қилишга 120 миллион сўм маблағ кетган бўлса, шундан 70 миллиондан ортиғини корхоналар орқали топдик, қолганига шаҳар ҳокимлиги ёрдам берди. Стадионга 3 минг кишилик пластик ўриндиқли трибуналар қурилди, мини футбол майдони бунёд этилди, 4 та теннис кортининг қурилиши охирига етяпти. Энг муҳими, ушбу стадион том маънода халқ ўйингоҳига айланди. Бу ердан эрталаб соат 7 дан оқшом соат 19 гача аҳолининг қадами аримайди. Футбол, енгил атлетика, сузиш билан ҳамшаҳарларимиз бепул шуғулланишяпти. Айниқса, бу ерда «Гиёвандлик, чекиш, ичкиликбозликка қарши кураш, соғлом авлод учун» шиори остида муай-тайчиларнинг чиқишлари жуда қизиқарли ўтди. Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спортга ошно қилиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирдан сўнг 300 дан ортиқ болалар муай-тай билан шуғулланиш учун ёзилишди.

Бундан ташқари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи шаҳримизда илк бор спорт боғига айлантирилмоқда — бу ерда битта футбол майдони ва учта теннис кортлари қуриб битказилди, бодибилдинг клуби очилиб, 240 киши машғулотларда қатнашмоқда. 127-мактабда чим билан қопланган футбол майдони қурилади. Бундан икки йил олдин 144-мактаб негизида қизлар футбол жамоаси тузилди. 160-мактаб сув ҳавзасида жадвал бўйича барча мактаблар ўқувчилари сузишни ўрганишяпти. 319-мактабда эса Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб ёпиқ сув ҳавзаси очилади. Бундан ташқари, туманимиз ҳудудида муай-тай ва кикбоксинг федерациялари тузилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир маҳалла оқсоқоли, мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, туман спорт қўмитаси мутасаддилари иштирокида оммавий спортни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Югуриш ва маҳалла спорти кунларида тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ю. Ражабий, Бошлиқ, Қушбеги маҳаллалари фаол қатнашмоқда. Идоравий мансублигидан қатъи назар туман ҳудудида жойлашган барча спорт иншоотлари, тўгараклари, клубларида 15 ёшгача бўлган болалар ва ногиронлар жисмоний тарбия ва спорт билан бепул шуғулланишади.

— Ҳар бир инсоннинг хоббиси бўлади. Билишимизча, сизнинг хоббингиз спорт экан. Жисмоний тарбия ва спортнинг инсон соғлиғи, иш қобилиятининг ошишига қанчалик фойдали эканлигини ўз мисолингизда айтиб ўтсангиз.

— Олти йилдан бери футбол бўйича туман ҳокимияти терма жамоасининг аъзоси сифатида ҳафтасига мунтазам бир соатдан икки марта тўп сурамиз. Ҳафтасига 2 марта эрталаблари 1,5 соатдан катта теннис билан шуғулланаман. Илгарилари буни фақат орзу қилиш мумкин эди. Ҳозир 50 ёшга тўлган бўлсамда фаол спорт менга куч-қувват, ишимга катта мадад бермоқда. Ўзимни анчагина ёш, бақувват сезаман. Менимча, инсон саломатлигини сақлашда жисмоний тарбия ва спортдан кучлироқ омил бўлмаса керак.

— Алишер Муҳамедович, болаликда инсон бир нарсага меҳр қўйса, унга бўлган қизиқиш умр бўйи сўнмайди. Айтингчи, сизда спортга қизиқиш қандай туғилган?

— Ёшлигимда 135-мактабда сабоқ олганман. Жисмоний тарбия ўқитувчимиз Борис Сундеев баскетбол бўйича мутахассис бўлиб «Сендан келажакда яхши ўйинчи чиқади, баскетбол билан жиддий шуғулла», дея менда бу спорт турига қизиқиш уйғотди. Ўша пайтларда у ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоасига мураббийлик қиларди. Тинимсиз машқлар оқибатида ҳатто 4-синфдан 5-синфга ўтиш чоғида 23 сантиметр ўсишга ҳам муваффақ бўлдим. Умуман, ёшлигимда сузиш, енгил атлетика билан ҳам жиддий шуғулланганман. Баландликка сакраш бўйича 170 сантиметр натижа кўрсатардим, ўша вақтларда бу спорт усталигига номзод талабларига тўғри келарди. 100 метрга 11,8 сонияда югурар, узунликка сакрашда 6,5 метр натижага эришардим. Шу тариқа олий ўқув юртини битиргунимга қадар баскетбол билан шуғулландим.

— Мустақиллигимизнинг 8 йиллик тантаналари ҳам тобора яқинлашмоқда. Албатта туманда спорт соҳасида ҳам ушбу қутлуғ айёмга катта тайёргарлик кўрилаётган бўлса керак?

— Дарҳақиқат, ушбу тантанага бағишлаб кўпгина спорт тадбирларини ўтказамиз. Хусусан, июль-август ойларида волейбол, баскетбол, армрестлинг, енгил атлетика, шахмат-шашка бўйича туман хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилади. Туман маҳаллаларида эса маҳаллалар спартакиадаси бўлиб ўтади. Мустақиллик арафасида футбол бўйича ҳоким кубоги беллашувлари бўлиб ўтади.

Хуллас, Мустақиллик байрамини сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий саналар қатори спортда юксак натижаларни қўлга киритган ҳолда кутиб оламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Саноат

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

(Суратли лавҳа)

Пойтахтимиздаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари янги ўқув йилида фарзандларимиз учун ажойиб совға ҳозирламоқдалар. Сентябрда мактабга борадиган ўғил-қизлар учун 125 минг дона, яъни 85 миллион сўмлик ўқувчилар сумкаси ушбу корхонада тайёрланмоқда.



— Жорий йилнинг январь ойида республика Халқ таълими вазирлиги таъминот бошқармаси томонидан ўтказилган тендерда турдош корхоналар орасида ғолибликни қўлга киритдик, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Адҳам Ўлмасов. — Зиммамизга сифатли ҳамда бежирим ўқувчилар сумкалар тайёрлаш вазифасини олдик. Ҳозиргача ушбу буюртманинг 90 фоиздан ортиғини тайёрлаб бўлдик. Яна тез кунларда уни тўлиқ уддалашга эришамиз.

Айни кунларда корхонанинг мавжуд 6 та асосий цехларида иш қизғин бормоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида жамоа чеварлари томонидан 90 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Асосий эътибор сифат ва самарадорликка, тадбиркорлик билан иш юритишга қаратилмоқда. Корхонанинг 450 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси вақтдан, хом ашёдан оқилона фойдаланиб, зиммаларидаги вазифани адо этишга интилмоқда. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 8 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш эса корхона аҳлининг бугунги эзгу ниятидир. Йил охиригача 180 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган меҳнатсевар жамоа олинган соф фойданинг бир қисмини корхонани кенгайтириш, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга сарфлаш ниятидалар.

Дилноза ГИЁСОВА, Солижон ЗОИРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1-цех илғори Нигора Мустакимова иш устида; ўқувчиларга тортиқ этилаётган ўқувчилар сумкалари ана шундай бежирим ва чиройли; чевар Шаҳноза Саматованинг бажарган ҳар бир иши назоратчи Дилором Далабоевага маъқул келади.

Солиҳ Зоир олган суратлар.

Мустақиллик мевалари

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИК

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач барча соҳаларда хорижий давлатлар билан кенг кўламдаги ҳамкорлик йўлга қўйилаётир. Хусусан, таълим тизимида ҳам худди шу манзаранинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Биргина мустақиллик йилларида ташкил этилган «Устоз» жамғармаси орқали ҳар йили юзлаб профессор-ўқитувчилар хорижда ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Ана шу йўл билан АҚШда ўз малакасини ошириб қайтганлардан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг амалий психологлар тайёрлаш факультети декани Фазлиддин Ҳайдаровдир.

— Биз Назрулла Муслимов, Саодат Тўйчиева, Узоқбой Бегимқуловлар билан биргаликда АҚШдаги Нью-Йорк университети тасарруфидаги «Нью-пальтц» коллежида ҳамда дунёда ягона бўлган Ошпазлик институтида бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан танишиб, қайтдик, — деди Фазлиддин Ҳайдаров. — Европанинг бешта йирик мамлакатига бош ошпазлар тайёрлаб берувчи институтда бизга ёққан томони шу бўлдики, у ерда ҳар бир миллатнинг ўз ресторани ташкил этилган экан.

Нью-Йоркдаги коллежлар биздаги олий ўқув юртлари даражасида бўлганлиги сабабли битирувчиларга олий маълумот берилади. Шунинг учун бўлса керак, олий ўқув юртларимиз билан у ерда коллежлар тузилиш структураси бир хилдек кўринади.

Авваллари хорижга бориб нафақат малака ошириб келиш, балки бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ғайри табиий туюлар эди. Эндиликда мустақиллик шарофати билан бу орзуга эришдик.

Хорижий мамлакатлар профессор-ўқитувчилари билан ўзаро фикр алмашиш албатта ўз самарасини беради. Шу нуқтаи назардан 1998-1999 ўқув йилида биз ҳам ўз факультетиимизга «Устоз» жамғармаси орқали АҚШлик ҳамкасбларимизни таклиф этдик. Уларнинг ташрифи чоғида ўтказган илмий анжуман ҳамда тажриба алмашишларимиз ҳам талабаларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия беришимизда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Шунингдек, ҳозирги шиддаткор давр талабидан келиб чиқиб, хорижда ўрганган ўқитиш услубимизни амалда тадбиқ этиш мақсадида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб психолог-социолог ва оила психологларини тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Саховат

ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРИЯ СОВҒАЛАРИ

Абдулла Қодирий боғининг Қорақамиш даҳасидаги шохобчасида Собир Раҳимов туман фуқаролари, туман маҳаллалари вакиллари, меҳрибонлик уйлари жамоалари иштирокида Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги байрамига бағишланган меҳр-мурувват тадбири бўлиб ўтди.

Республика матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармасининг ижрочи директори Аббос Алимбоев йиғилганларни жамғарма фаолияти билан таништириб, кириб келаётган қутлуғ айём билан табриклагач, жамғармага қарашли «Матбуот сервис» шўъба корхонасида ишлаб чиқарилган 5 минг банка консерваланган маҳсулотларни 1 ва 2-мурувват уйлари, 24-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ақли заиф, ногирон болалар, шунингдек, Мустақиллик, Ҳафиз Кўҳакий, Гузарбоши, Гулзор, Иброҳим ота маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган, ночор оилаларга топширди. Хайрия совғаларидан II жаҳон уруши қатнашчилари, пансионатнинг қариялари ҳам бебаҳра қолишмади.

С. Раҳимов туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросидаги концерт дастури эса йиғилганлар қалбига илиқлик бағишлади.

Дамир ИСМОИЛОВ.

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Республикамизда ғалла етиштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони матбуотда эълон қилинди.

◆ Пойтахтдаги «Туркистон» саройида иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1999—2000 ўқув йили учун Президент гранти соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

◆ Марказий банкда республика банк тизимининг жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш фаолияти якунлари ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган кенгайтирилган бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши прокуратура идораларининг иш якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислоҳотлар якунига бағишланди ва маърузадан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

◆ «Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин!» Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб шу йилнинг 5-10 август кунлари Бухоро вилоятида ўтказиладиган «Ўзбек миллий фильмлари» фестивалининг шиори ана шундай деб аталади.

◆ Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар кенгаши бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Тошкент вилоятининг «Зангиота» жамоа хўжалигида «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасининг долзарб вазифалари ва муаммолари» мавзусида республика семинар-кенгаши ўтказилди.

◆ Футбол бўйича олий табақа жамоалари 40 кунлик танаффусдан кейин яна куч-ғайрат билан Ўзбекистон VIII чемпионати иккинчи давра ўйинларини бошлаб юборишди.

◆ Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» ўқув-машғулот базасида атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида республика чемпионати якунланди.

◆ Намангандаги «Нодирабегим» номли вилоят кутубхонасида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви ташаббуси билан «Аёл — нафосат мамлакати» деб номланган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлди.

ЖАҲОНДА

◆ Германия Бош вазири Михаэль Науман Россия Конституциявий судининг иккинчи жаҳон уруши пайтида Германиядан СССРга олиб кетилган маданий қадриятларни қайтариб бермаслик тўғрисидаги қарори Россия Президенти Борис Ельциннинг ваъдаларига бутунлай зид келяпти, деб баёнот берди.

◆ Шу йилнинг август ойидан бошлаб Россияда чет эл импорт фирмалари томонидан келтириладиган автомобилларни божхонада расмийлаштиришнинг янги тартиблари кучга киради. Россия Федерацияси давлат божхона қўмитасидан хабар беришларича, янги усул «Чет эл автомобиль концернларининг Россиядаги расмий дилерларининг божхона назоратидан ўтишини осонлаштиради».

◆ Ўтган ҳафтада электр таъминоти бўйича Тайвань тарихида энг йирик узилиш содир бўлди. Икки соат мобайнида Тайвань ҳудуди электрсиз қолди. Натижада учта атом электростанцияси тўхтатилди.

◆ Буюк британиялик режиссёр Шеҳор Капурнинг (асли келиб чиқиши ҳинд) «Елизаветта» фильми намойиши Ҳиндистонда тақиқланди. Фильмдаги ваҳшиёна қатл ва шаҳвоний саҳналар цензурага маъқул бўлмади.

◆ Узоқ йиллардан сўнг Марокашда катта амнистия бошланди. 8 мингдан зиёд маҳбуслар озод этиладиган бўлди.

◆ Ғарбий Бенгалиядаги темир йўл станциясидаги портлаш натижасида 70 киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд киши жароҳатланди. Портлаш сабаблари ҳозирча номаълум.

◆ Америкانинг 18 штати об-ҳавонинг кескин кўтарилиб кетганлигидан азият чекмоқда. Мана икки ҳафтадирки, бу ерда ҳарорат 40 даражадан пасаймаяпти.

◆ РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарига қараганда шу кунларда Қозоғистоннинг Атиров вилояти экин майдонларига чигирткалар галаси ёпирилган.

◆ Польшада эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати давом этаяпти.

◆ АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида шахмат бўйича ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпионати қизғин бормоқда. Сайёрамизнинг энг кучли шахмат даҳоларининг ғоявий тўқнашувларида юртдошимиз Рустам Қосимжонов ҳам муваффақиятли қатнашмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистонда қуролли қарама-қаршилик яна авж олгани Ўзбекистонда чуқур ташвиш уйғотмоқда.

Ҳарбий ҳаракатлар натижасида мамлакатнинг тинч аҳолиси жабр кўрмоқда, Афғонистонга етказиб берилаётган инсонпарварлик ёрдами тўхтатиб қўйилди.

Афғонистон зиддиятида бошқа мамлакатлардан ёлланиб келган кучлар иштирокининг кенгайиши тобора хавфли тус олмоқда. Афғонистонда кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатларнинг қайтадан бошланиши халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича қилаётган саъй-ҳаракатларига жиддий путур етказмоқда ҳамда бу яқинда «6+2» гуруҳига кирувчи «Афғонистоннинг қўшни ва дўстлари» томонидан қабул қилинган Тошкент Декларациясининг асосий тамойилларига зиддир.

Афғонистон муаммосини ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмаслиги ҳамда бу муаммони фақатгина сиёсий воситалар орқалигина ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган Ўзбекистон ҳукумати Афғонистондаги томонларни ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш ва ўт очишни тўхтатиш ҳақида битим тузиш ҳамда БМТ шафелигида тинчлик музокараларини қайта тиклашга даъват этади.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати Тошкент Декларациясини имзолаган «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатларга мурожаат қилиб, уларни ўзларининг бирон-бир афғон томонига ҳарбий ёрдам бермаслик ҳақидаги мажбуриятларини бажаришга, ўз ҳудудларидан бундай мақсадлар учун фойдаланилишининг олдини олиш ҳамда зиддиятдаги томонларни ўт очишни тўхтатиб, музокараларни қайта бошлашга даъват этувчи барча имкониятларини ишга солишга чақиради.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.

МУСТАҚИЛЛИК, ЁШЛАР ТАРБИЯСИ, ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Ҳар бир инсоннинг ҳаётда кўзлаган олий ният ва мақсадлари бўлади. Бу йўлда у тинимсиз изланади, меҳнат қилади. Ана шу машаққатлари эвазига эл-юрт орасида ҳурматга эришади. Демак, яхши ниятларимиз бизни ёрқин келажак сари етаклар экан, хўш бугунги кунда фарзандларимизнинг мақсадлари нималардан иборат бўлаяпти? Улар кўпроқ нималарга қизиқиб яшамоқда. Ўқиши, яшаш шароитлари қандай? Мустақил юртимизда кечаётган ўзгаришларга қандай муносабат билдирмоқда? деган саволлар олдимизда ўз-ўзидан пайдо бўлиши табиий.

Куни кеча Миробод туманида жойлашган Темирйўлчилар маданият саройида шаҳримиз ёшлари билан ўтказилган очиқ давра суҳбатида ҳам ана шу саволларга яна бир бор ойдинлик киритилди, десак янглишмаймиз. Мазкур тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар ёшларининг «Камолот» жамғармаси, шаҳар «Фидокорлар» миллий демократик партияси, диний ишлар қўмитаси ҳамда шаҳар маънавият-маърифат жамоатчилик кенгаши ҳамкорликда ўтказди.

Шаҳримизнинг бир гуруҳ ёшлари, устозлар ва ота-оналар ушбу давра суҳбатида истиқлол берган буюк неъматнинг қадри ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, сўзга чиққанлар бугунги ёшларимиздаги ижобий хислатларни инкор этмаган ҳолда, уларнинг баъзиларида етарли қатъият йўқлиги, ўз тақдирларига бефарқлик, ғойибдан келадиган бахтга ишониш каби ҳолатлар ҳукм сураётганлиги, ёшларни бу иллатлардан ҳоли этиш бўйича бир қатор тарбиявий аҳамиятга молик масалалар юзасидан муносабат билдиришди. Айниқса, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсуновнинг маърузаси кўпчилик диққатини тортди.

— Бугун фарзандларимиз турли диний оқимларга билиб-билмай кириб қолмоқда, — деди у. — Бу албатта яхши оқибатларга олиб келмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бунда ота-оналарнинг, устозларнинг, маҳалла аҳлининг айби борлигини бир неча бор айтиб ўтдик. Узоққа бориб нима қиламиз. Хўш, февраль воқеаларининг натижалари нима билан тугади? Фақат юрт тавқи-лаънати, бегуноҳлар қони чайилган юрак, бир умрлик азоб ва етимлар оҳи бирла оқаётган кўз ёшлар қолдику ундан.

Ҳа, азизлар, бу бизга сабоқ бўлиши керак. Фарзандларимизни ахлоқ ва одобда баркамол қилиб тарбиялайлик. Фарзандларимиз барчамизнинг фахримиз бўлсин.

Ватан битта, унинг ҳар бир қаричи ҳамма учун табаррук. Ўтган давра суҳбатидан ана шундай хулосалар чиқариш мумкин.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов сўзга чиқди. Тадбир сўнгида маҳалла сардорларига тантанали гувоҳномалар топширилди.

Очил ХАЗРАТОВ.

Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини Шайхонтоҳур тумани меҳнаткашлари ҳам яхши натижалар билан кутиб олиш учун ҳамма жабҳаларда катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Айниқса, маданият соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовордир.

Ҳамшаҳарларимиз

МАЪНАВИЯТ ИНСОННИ КАМОЛОТГА ЕТАКЛАЙДИ

Яқиндагина маънавият-маърифат Республика кенгаши ташаббус гуруҳи мажлисида бу борадаги камчиликлар кескин танқид қилиниб, ишларни тубдан яхшилаш масалалари кўтарилган эди. Туманда ана шу кўрсатмалар, аниқроғи ҳақиқий камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш учун астойдил ҳаракатлар қилинмоқда.

Мустақиллигимизнинг тобора яқинлашиб келаётган саккиз йиллик байрамини туманнинг маданият ходимлари ҳам муносиб кутиб олиш учун ўз вазифаларига дилдан ёндошишмоқда. Тантаналарда туманнинг бадиий жамоалари ўзига хос халқона, бой дастурлари билан қатнашиб, кўҳна Турон маданиятининг қанчалик рангдор ва серқирра эканлигини намойиш этишмоқчи. Бунда туман маданият бўлими бошлиғи Рамзитдин Қодировнинг амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. У ҳали ёш бўлишига қарамай катта туманнинг маданият бўлимига етакчилик қиляпти.

Рамзитдиннинг ҳақиқий масъулиятни ҳис қила билиши у амалга ошираётган катта ишларида кўринади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимиз мустақиллигини ўта қадрлашга, маънавий ўзгаришлар йўлида фидойи эканлигига у билан суҳбат жараёнида катта ишонч ҳосил қилдик.

Маънавиятимиз, давлат тилига ўтиш, санъатимиз, тарих ва адабиётимиз, урф-одатларимиз ва анъаналар ҳақидаги мулоҳазалари, улуғ сиймоларимиз ҳаётларига оид унинг шахсий фикрларини эшитиб унга ҳавасимиз келди.

Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказлари» фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг жойларда маънавият ва маърифат хоналари ва бурчаклари фаолият кўрсата бошлади ва мазкур соҳани кун сайин такомиллаштириш юзасидан туманда Р. Қодиров бошчилигида кенг кўламли тадбирлар белгиланган.

Байрамлар — маънавият кўзгусидир. Уларда халқларнинг маънавий-маданий, маърифий қиёфаси ва руҳияти маълум маънода акс этади. Амалга оширилган ва оширилаётган барча чора-тадбирларнинг асосий йўналиши халқларимиз ўртасида дўстлик, қонқардошлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат. Яхши ишлар замирида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, кишилар маънавий оламини бойитиш, озод Ватан тақдири билан ўз тақдиримизни чамбарчас боғлиқ деб тушунадиган ҳақиқий ватанпарвар инсонларни тарбиялаш ва шу эътиқодни ҳар бир киши қалбида улғайтиришдек муқаддас вазифалар турибди.

Кўпгина ишларга вақт топа оладиган Рамзитдин Қодиров муаммолар ечимини касбдошлари билан бамаслаҳат ҳал қила олишга эришмоқда. Санъат институтида ёш талабаларга дарс беришга, уларнинг амалий машғулотларида иштирок этишга, Ўзбекистон телевидениесида кичкинтойлар учун кўрсатувлар олиб боришга, қатор кўрик-танловлар бошловчиси вазифасига ҳам вақт топа олади. Уни телевидение томошабинлари қатор кўрсатувлар орқали яхши танийдилар.

— Маънавият инсонни ҳам, жамиятни ҳам камолотнинг юксак даражасига кўтара олгувчи омилдир, маънавият руҳ минтақасида жойлашгандир, — деди у суҳбатимиз сўнгида.

Ережепбой МАДЕНОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Алоқа

МАҚСАДИМИЗ НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани телефон тармоғи ходимлари бугунги кунда аҳоли эҳтиёжини қандай қондирмоқда? Ана шу ва бошқа қатор саволларга жавоб олиш мақсадида мухбирларимиз телефон тармоғининг бош муҳандиси Алишер Исмоилов билан суҳбатлашди.

— Алишержон, мана Чилонзор туманида ҳам бир неча янги автоматик телефон станциялари ишлаб турибди. Улар аҳолига ҳозир қандай хизмат кўрсатаяпти?

— Ҳозирча бизнинг тармоқда 3 та электрон станция бор. Шунингдек, 170, 17, 116, 117-автомат телефон станциялари ҳам мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг сўнгги техникалари билан жиҳозланган электрон станциялар ҳисобланади. Уларда мижозлар учун кўпгина қулайликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ишлаш принциплари жуда осон.

— Келажакда нима ишлар қилмоқчисизлар?

— Келажакдаги ишларимизга тўхталадиган бўлсак, 116, 117- ҳамда Ибн Сино мавзесидаги 118-АТСга қўшимча 900 та номер очаяпмиз. Бу сентябрь ойида ишга тушади.

Шунингдек, Ўрикзор даҳасида ҳозир 191-АТСда қўшимча бўлинма ишлаб турибди. Худди шу даҳада 199-АТСни ҳам ишга тушиردик. Ҳозир унда 1800 та номер ишлаяпти. Унинг ҳам иккинчи мажмуаси бор, яна шунчага кенгаяди. У ердаги аҳолига мана шу электрон станциядан номерлар берамиз.

— Аввалари кўпинча телефонлар яхши ишламаслиги натижасида аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлар эди. Билишимизча, кейинги пайтларда мана шундай эътирозлар камайгандек. Бунинг сабабларини изоҳлаб бера оласизми?

— Ҳозирги кунга келиб иш тизимида бироз ўзгаришлар киритдик. Бошқача йўл-йўриқлар билан иш олиб бораяпмиз. Мижозларимиз телефонларининг ёмон ишлаётганлиги тўғрисида хабар берсалар бўлгани, ўша заҳотиёқ ёрдам берамиз. Ҳали ҳам қандайдир тушунмовчиликлар, ноўринликлар бўлиб туради. Барчасига ёрдам беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирги кунга келиб шунча саъй-ҳаракатларимизни чиппакка чиқараётган айрим шахслар учраб турибди. Улар тармоқ симларини узиб, қутиларни бузиб кетишаяпти. Оддий мисол, Чилонзорнинг 23-мавзесида бир нечта уйларнинг ертўласига тушиб кабелларни қирқиб олиб кетишаяпти. Аҳоли мана шундай воқеаларга бепарво бўлишмаса яхши бўларди. Ходимларимиз томонидан ҳам назоратлар ўрнатилиб, чоралар кўриляпти.

Феруза ТЎХТАХЎЖАЕВА,
Гулбаҳор МЎМИНОВА.

Фан

ЯНГИ ДОРИ ЯРАТИЛДИ

Хламиди асосан аёлларда учрайдиган хасталик бўлиб, илгарилари уни даволашда кучли антибиотиклардан фойдаланилар эди. Эндиликда эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг Даврон Долимов бошчилигидаги полифеналлар лабораторияси олимлари Аминжон Исмоилов, Нина Барамларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида мазкур касалликка қарши ҳар турдаги антибиотикларни юборишга чек қўйилди.

Улар кашф этган гозалидон хап дорисини истеъмол қилган беморда хламиди касаллигининг зўрайиб кетишининг олди олиниб, уларнинг оз фурсатда шифо топишларига замин яратилади. Бу препарат пахта мойининг заҳарли чиқиндиси ҳисобланган госсипол моддасининг ҳосиласидир.

Гозалидоннинг бу касалликни даволашда қўлланиладиган бошқа препаратлардан афзаллиги шундаки, у интерферон оқсилини индукция қилади. Натижада интерфероннинг ўзи касаллик келтириб чиқарувчи вирусларга қарши курашади. Гозалидоннинг ўрнида фойдаланилган антибиотиклар аксарият ҳолларда иммунитетни пасайтириб юборар, бунинг оқибатида бола тушиш ҳоллари юз берар эди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Маслаҳатларимиз

ҲАММА НАРСАНИ ОЛДИММИ?

Эрталаб шошма-шошарликда жуда кўп нарса эсдан чиқиши мумкин. Ҳамён қолиб кетади, чироқ ўчирилмайди ва ҳоказо.

Бунга йўл қўймаслик учун аввало ётишдан аввал кийим-кечак ҳозирланганда эртага олиб кетиладиган китоб, дафтар, портфель, калит, пул ва ҳоказо-ҳоказолар ҳам тахт қилиб қўйилиши керак.

Иложи борича эрталаб ишга отланаётганда дазмол қилмасликка одатланинг. Уйдан чиқиш олдидан кун бўйи мўлжаллаган ишларингизни, борадиган жойларингизни, учрашадиган одамларингизни бир кур назардан ўтказинг. Шунда зарур нарсалар ёдингизга тушади.

Кундалик дафтарча тутиб, унга ҳар кунги режалар қайд қилиб борилса қани эди!

Уйдан чиқаётиб сира шошилманг. Бир-икки дақиқа ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Бунинг ўрнига икки-уч дақиқа сукут сақлангда, аввало, чироқлар ўчирилганига, газлар ўчирилганига ишонч ҳосил қилинг.

Эринманг. Бир дақиқали эринчоқлик — жуда-жуда қимматга тушишидан Худо асрасин!

Сўнгра, «Ҳамма нарсани олдимми?» дея овоз чиқариб савол беринг. Ҳа, уялманг, хаёлдан кечиришдан кўра, овоз чиқариб сўрашнинг ҳикмати бор.

Дарвозадан чиқмай туриб, «Дераза, эшикларни қулфладимми?» деган саволга ҳам жавоб беринг.

Шундан сўнггина, марҳамат, кўчага чиқинг.

Баъзан шундай бўлади: автобусга чиқасиз, иш ё ўқиш жойингизга борасиз-да, «Э, э, дазмолни токдан уздимми? Дарвозани қулфладимми?!» деган хавотирда ўзингизни кўярга жой тополмай қоласиз.

Хотираси заиф бундай эркак-аёллар масалан, бажараётган ишини тили билан тасдиқлаб туришга одатланса ўзларига яхши. Мисол учун, «Дазмолни токдан уздим», «Дарвоза калитини икки қайта бурадим» қабилида.

Башарти кундузи шу каби хавотирлар тинчингизни ўғирласа, гарчи дазмолни токдан узганингиз, дарвозани қулфлаганингиз ишнинг ҳаракат сифатида хотирангиздан кўтарилса ҳам, ўзингиз тилингиз билан тасдиқласангиз, ўша ишнинг бажарилганидан далолат беради.

Дилноза БАБАТАЕВА.

Ўтмиш тарихимиздан

НОЁБ ТОПИЛМАЛАР

Жисмоний тарбия машқлари ва усуллари халқнинг меҳнат фаолияти, мудофаа талаби билан узвий боғлиқ ҳолда асрлар мобайнида ривожланиб келди. Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарёда топилган турли-туман археологик топилмалар жуда қадим замонларда халқ орасида ўқ-ёй ва найза отиш билан боғлиқ бўлган жисмоний машқлар кенг тарқалганлигидан дарак беради.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону Луғотит-турк» асарида кўплаб атлетика машқлари ўша вақтларда қабила бошлиқлари ва уларнинг жангчиларини тарбиялашда катта ўрин тутганлигидан хабар беради.

Рим ёзувчиси Климент Александровскийнинг хабар беришича, Хоразм халқи ўзининг зўр ҳарбий санъати ва жисмоний тайёргарлиги билан машҳур бўлган. Ҳатто, бу юртнинг хотин-қизлари ҳам эркаклар билан ёнма-ён туриб, жанг қилган. «Хотин-қизлар усталик билан қочиб кета туриб, от устида худди эркаклардек бурилиб, ўқ узадилар. Улар дунёдаги ҳамма ўқ-ёй отувчилар ичида энг моҳирлари бўлишган», деб ёзади бу ёзувчи. Машҳур юнон тарихчиси Герадот Ўрта Осиёнинг қадимий қабилаларидан бўлган массагетларнинг жанговарлик хислатлари ҳақида: «Улар отлиқ ва пиёда жанг қиладилар, бу икки хил жанг усулларини биладилар...» дейди.

Александр Македонский Ўрта Осиёга юришлари даврида бу ерда қадимги Юнонистондаги Олимпия ўйинларига ўхшаш хилма-хил мусобақалар ўтказилар эди. Сўғдиёна ва Бақтрия давлатлари мавжуд бўлган даврларда акробат-дорбозлар жуда машҳур бўлган. Дорбозлар, симбозлар ҳатто Юнонистон, Византия ва Эрон сингари мамлакатларга бориб, ўзларининг ажойиб ўйинларини намойиш қилишган. Ёғоч оёқларда рақслар, созандаларнинг бу рақсларга мосланган машқлари кўз-кўз қилинган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.



Азим Тошкентимизнинг туни ҳам ўзига хос кўркам ва фусункор.



«02»

КУРМАКЛАР

«Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек орамизда шундай кимсалар ҳам борки, улар бировнинг мулкига кўз олайтириб, бир кунлик ҳаёт билан яшаб пасткашликкача боришдан ҳам тоймайдилар. Айниқса, бундай ҳолат ёшларнинг орасида бўлиши ачинарлидир.

● Шу йилнинг 19 март куни соат 12 дан 15 дақиқа ўтганида номаълум шахслар бир кекса нафақахўр аёлнинг уйига кириб олиб, унга пичоқ билан дўқ-пўписа қилиб, тан жароҳати етказиб, уйидан турли хил буюмларини. 5800 сўм пулини олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлишган. Бу ночор, кекса аёл олган тан жароҳатларидан ўзига келар келмас кимдан нажот кутишни билмай тўғри милицияга хабар қилган. Тезда етиб келган милиция ходимлари, воқеа жойини ўрганиб чиқиб, ушбу ўғирликни содир этган, ҳеч қаерда ишламайдиган, шундай йўл билан кун кўриб юрган иккита ёш кимсаларни қўлга олишди. Ўғирланган буюмлар эгасига қайтариб берилди. Ҳозирда тергов иши олиб борилмоқда.

● 22 март куни — тунда Тошкент шаҳрида жойлашган фирмаларнинг биридан ёзув машинкаси, иситгич воситаси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ўғирланганлиги ҳақида милицияга хабар тушган. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу ўғирликни ҳеч қаерда ишламайдиган иккита ёш кимса содир этгани маълум бўлиб, улар қўлга олинди.

● Шу йилнинг 23 март куни кундуз соат 10.30 да «Авиасозлар» бозорида бир кимса узунлиги атиги 2 метр бўлган матони 36 метр деб уни 9000 сўмга пулламоқчи бўлганида сергак милиция ходимлари томонидан ушланди. Ҳеч қаерда ишламайдиган наманганлик ушбу шахснинг матоси ёйиб кўрилганида ушбу мато 36 метр эмас, балки 2 метр бўлиб, унинг ичига матрас ўраб қўйилганлиги маълум бўлди. Ажабо сохта «ишбилармон» дегани шу бўлса керак-да?

● 24 март куни милиция ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар давомида олдиндан шубҳа уйғотиб келган Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарининг бирида ишчи бўлиб ишловчи Ф. Дониёров қўлга олинди. Унинг уйи тинтув қилинганида 186,9 грамм миқдорида қорадори гиёвандлик моддаси борлиги аниқланди.

● Шу куни соат 20.30 да милиция ходимлари томонидан «Самарқанд» автостанцияси ёнида ҳеч қаерда ишламайдиган, олдин судланган А. Ҳамидов текшириш учун тўхтатилганида унинг ёнидан «ИЖ-12» 12 калибрли қирқма ов милтиғи топилди.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган хонадонларнинг бирида қидирув ишлари олиб борилиши натижасида хонадондан «Калашников» автомати топилди. Текширув давомида ушбу автомат Р. Шустов деган шахсга тегишли эканлиги маълум бўлди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

● 25 март куни соат 24.00 ларда иккита номаълум аёл Сергели туманида Қирғизистон Республикаси фуқароси С. Абдужабборовани уриб, тан жароҳати етказиб, унинг қўлидаги сумкасини, бошидаги рўмолини, эгнидаги чарм курткасини ечиб олиб ғойиб бўлишган. Жабрланувчи аёл милицияга мурожаат қилиб ёрдам сўраган. Дарҳол олиб борилган қидирув ишлари натижасида аниқланишича, ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган С. Савилова ва Н. Маҳкамовалар содир этгани маълум бўлди.

«Ҳар ким қилса ўзига», — деганларидек, ички ишлар идоралари ходимлари буларга ўхшаган курмакларга нисбатан керакли ва тегишли чоралар олиб бормоқдалар.

Юлдуз АШИРОВА.
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот маркази инспектори, милиция катта лейтенанти.

Шарқ дурдоналари

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

◆ Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард. Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ.

Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.

Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсани ея олмай қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймон эса қўлидан келса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай, вақтни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашиш орқали ўзига муносиб бўлмаган муросасиз хотинга уйланиб қолиш орқасидан келади.

◆ Ўз айбини кўрмаган ўзга айбин қидирар. Дўстинг оч бўлса, сен тўқ бўлсанг, бу айбдир!

«Аталар сўзлари»дан.

◆ ***Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон.***
Юз йиллик бойликни қилмайлик пинҳон.
Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод,
Тасаввур қилайлик ўзни Кайқубод.
Дунё роҳатидан талаб қилиб дод,
Кечаю эртани айламайлик ёд.
◆ ***Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,***
Бефаҳм кишилар ўзни йўқотар!

Низомий ГАНЖАВИЙ.

◆ Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, қулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, қомат киради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулойимлик, саховат, шижоат, илм, камтарлик, иффат ва шунга ўхшаш бошқалардир.

◆ Бойлигингга мағрурланма, унинг усти чиройли кўринса ҳам ичи ниҳоятда ифлос бўлиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишни шошмасдан ўйлаб иш қил. Сирингни ҳаммага айтаверма, илмсиз кишиларнинг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғуриб, умрингни зое ўтказма! Шеър:

Дилимда қанчалар сўзим бор бироқ,
Шакарнинг кўпидан озидир созроқ!
Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон,
Кўп сўздан кишига етади зиён!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

◆ Ақл ва фаҳм Хонининг соҳиблари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатшунослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ Хон ёки дастурхон устида шерик бўлсалар, овқатга бир-бировидан аввал қўл узатишга шошилмасдан, бир-бирига таклиф ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монандли ит ва тўнғиз ҳамда бошқа ҳайвонотлар каби ўзини овқатга отмасликлари керак. Кимки, ёш жиҳатидан кичик бўлса ёши каттароғи овқатга қўл узатмагунча сабр қилмоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

◆ Меваларни ейишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар уларни ифлослантирган бўлади. Айниқса, узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб емаслик баъзида ўлимгача олиб боради. Овқатдан кейин қўл ва панжаларни ювиб, тозаламоқ зарурдир. Уй эгасининг қоидаси шундайки, у овқатдан аввал қўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Ўтирганларнинг қўл ювишини чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда қўл тортмоқлик керак, токи бошқаларга навбат тезроқ етади. Қўлни либосга артмаслик керак. Бу тамизсизлик аломатидир. Агар дастрўмоли бўлмаса қўлни юзга ёки соқолига суртмоқ керак.

Бархурдор ибн МАҲМУД.

◆ Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичади, покиза кийинади, хушҳаво уйларда яшайди, кераксиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларнигина харид қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилик йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулини ҳам аямайди.

Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ.

◆ Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. 10 сўмга олинадиган нарса учун ҳовлиқиб, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутади.

Олимат ал-БАНОТ.

◆ ҲИКМАТ.Ҳинд ҳакимларининг киноя қилиб ёзишларича ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайдиган бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар.

Қитъа:

Туриб дарё лабида бутимор қуш,
Чекар дарё сувидан доимо нам.
Ўзича ўйлагай ичсамми ё йўқ,
Агар ичсам бўлар дарё суви кам.
Дилида ҳиммати йўқ ҳар бахилнинг,
Шу қушга ўхшаган феъли иши ҳам.
Ҳирсининг ўткирлигидан нонини,
Ўз ўзига кўрмагай лойиқ, укам!

Ҳаким ҚОНИЙ.

◆ Ҳурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй ҳид ва ҳазм бўлиши қийин қаттиқ емиш!».

Ҳикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса олтита дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узоқ тутиш, тўқ қорнинга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиш ва ортиқча жинсий алоқа қилиш!».

Одамзот кўп ейишни асло одат қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш ҳайвонлар одатидир. Ҳикмат қонун-қоидаси бўйича эса номақбулдир. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкони борича кам ейиши, тўғри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Ана шундай қилган киши табибга асло муҳтож бўлмайди.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ.

◆ Икки нимарса кўнгилни фасодга элтур: бири — тўла емоқ, бири — тўла уйқуламоқ.

Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.